



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Postda Ha nocty

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!



2025-yil 5-iyun
payshanba

№ 23 (4717)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

TONGLAR OTAVERSIN INCH-OSOYISHTA

«Ko'cha tasodiflarga to'la» deb bejiz aytishmaydi. Navoiy shahri-ning «O'zbekiston» mahallasi Islom Karimov nomidagi shohko'chaga tutashib ketgan. Tungi paytda ana shu ko'cha bo'ylab xizmat o'tayotgan xodimlar mahalla ichkarisini ko'zdan kechirishga ahd qilishdi. Shunda daraxt tagidagi o'rindiqla dong qotib uxlab yotgan erkakka ko'zlari tushdi...

(Davomi 8-betda.)



YOSHLAR OYLIGI

YASHNAGAN DARAXTNING MEVASI SHIRIN



So'nggi yillarda mamlakatimiz maktab ta'limi tizimida iqtidorli o'qituvchilarni aniqlash, rag'batlantirish borasida amalga oshirilayotgan loyihalar o'z samarasini bermoqda. IIV Ixtisoslashtirilgan maktab-internati pedagoglarining 16 nafari xorijiy tillar hamda fanlar bo'yicha xalqaro sertifikatga ega ekanligi fikrimiz dalilidir.

Matematika bo'yicha xalqaro olimpiada g'olibi hamda O'zbekiston terma jamoasi treneri, «Mard o'g'lon» davlat mukofoti sohibi Jahongir Norboyev umidli yoshlardan biridir. U maktab o'quvchilari orasidan iqtidorlilarini tanlab, ularga matematika fani sir-asrorlarini chuqur o'rgatyapti. Natijalar yomon emas.

Ma'lumki, IMAS (International Mathematics Assessment for Schools) xalqaro matematika olimpiadasi 2011-yildan buyon o'tkazib kelinmoqda. Mazkur xalqaro olimpiada 3 ta toifada 2 bosqichda o'tkazilib, unda Xitoy, Ruminiya, Tayvan, Vetnam kabi 20 ga yaqin davlatlardan yosh matematiklar ishtirok etishadi. 2024/2025-o'quv yili hisobidan Toshkent shahrida bo'lib o'tgan ushbu olimpiadada lavhamiz qahramonining shogirdi, IIV Ixtisoslashtirilgan maktab-internati 5-sinf o'quvchisi Behruz Mustafoqulov muvaffaqiyatli ishtirok etib, bronza medal sohibi bo'ldi.

– Otam iste'fodagi katta serjant Farhod Shirinov uzoq yillar Jizzax shahar IIBda xizmat qilganlar. Men ota-onamga a'lo baholarga o'qib, kelajakda ichki

ishlar organlarida xizmat qilaman deb va'da berganman. Maktab-internatda chuqur bilim olishimiz uchun barcha sharoitlar yaratilgan. May oyida matematika fani bo'yicha Toshkentda bo'lib o'tgan respublika olimpiadasida kumush medalni qo'lga kiritdim. Bunda ustozim Jahongir Norboyevning hissaları katta. Endigi orzuyim kelasi yili oltin medal sohibi bo'lish, – deydi Behruz Mustafoqulov.

Uning ushbu orzu-niyatiga erishishiga biz ham tilakdoshmiz. Quvonarlisi, mazkur maktabda Behruzbekka o'xshagan fan olimpiadalari va nufuzli sport musobaqalari g'oliblari soni yildan-yilga ortib bormoqda.

Abu KENJAYEV,
o'z muxbirimiz.

«XAVFSIZ OILA»

QO'RG'ON MUSTAHKAM BO'LSA...

Baxtli oilalar tufayli baxtiyor jamiyat shakllanadi. Chunki o'zaro mehrli ota-onalarning farzandlari ham bir-biriga mehribon bo'ladi. Agar oilalarda parokandalik bo'lsa, jamiyatning ham tinchi yo'qoladi.



TOSHKENT SHAHAR TAJRIBASI tariqasida poytaxt hokimligi hamda shahar IIBB va tegishli idoralar hamkorligida «Xavfsiz oila» konsepsiyasi doirasida qabul qilingan loyiha asosida ishchi guruh tashkil etilgan.

Loyiha doirasidagi tadbirlar davomida tumanlar kesimida nosog'lom turmush tarzini kechirayotgan, ishsiz, muayyan kasb-korga ega bo'lmagan, ijtimoiy-maishiy muammolar yechimiga muhtoj oilalar o'rganilib, 15 ta oila va ularning 50 ga yaqin farzandlari bilan manzilli ishlar olib borilmoqda. Bir oy davomida ushbu oilalarning muammolari o'rganilib, psixologik portretlari asosida ruhiy, ijtimoiy, iqtisodiy,

huquqiy va tibbiy yordam ko'rsatilmoqda. Qiziqishi va layoqatiga ko'ra kasb-hunarga o'qitishga, sport to'garaklariga jalb etilgan.

Oila a'zolarining madaniy hordiq chiqarishlariga ham alohida urg'u berilmoqda. Bu kabi tadbirlar ularning bir-birlarini yaxshiroq tushunishlari, rishtalarning mustahkamlanishiga omil bo'ladi. Loyihadan ko'zlangan asosiy maqsad ham oilalarning to'laqonli, baxtli, o'zaro ahil va totuvlikda yashashlari, farzandlar tarbiyasida faol ibrat bo'lishlari va sog'lom hayot kechirishlariga qaratilgan.

Sarvar SOBIROV,
o'z muxbirimiz.

Toshkent shahri.

AYOL VA JAMIYAT

HAMKORLIKDA NATIJA BOR

QARSHI SHAHRIDA xotin-qizlar ishtirokida o'tayotgan yakka tartibdagi profilaktik tadbirlarning natijadorligini ta'minlashda mahallalarda faoliyat yuritayotgan «Ayollar maslahat kengashlari»ning o'rni katta bo'lmoqda. Misol uchun,

joriy yilning o'tgan davrida o'tgan yilning shu davriga nisbatan ayollar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar 20 foizga kamaygani buning tasdig'idir.

– Profilaktik hisobda turgan 186 nafar xotin-qizdan 23 nafari ishga

joylashtirildi, – deydi Qarshi shahar IIOFMB HPB xotin-qizlar masalalari bo'yicha katta inspektori, leytenant Nargiza Maqsadova. – 11 nafariga tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yishga, 4 nafariga shaxsini tasdiqlovchi hujjatlarini qayta tiklashga ko'makla-

shib, muqaddam sudlangan 9 nafar xotin-qiz profilaktik hisobga olinib, ularga moddiy va ma'naviy ko'mak berildi.

Sodiq RAHIMOV,
o'z muxbirimiz.

Qashqadaryo viloyati.



PROFILAKTIKA XIZMATI

BILIMDON INSPEKTOR

KOGON SHAHAR «Ziyokor» mahallasiga xizmat ko'rsatuvchi ichki ishlar organlarining 83-sonli tayanch punktiga borganimizda profilaktika inspektori, leytenant Mirzobek Tursunov bir ayol bilan suhbatlashayotgan ekan. Birozdan so'ng ayol minnatdorlik bildirib, xonadan chiqib ketdi.

– Kutib qolmadingizmi? – deganicha osoyishtalik posboni bizni qarshi oldi. So'ngra haligi ayolning nega kelganini hikoya qila boshladi.

– Opaning o'g'li beboshroq. Darslardan qochib yurardi yoki kunora birov bilan mushtlashardi. Shu bois onasini profilaktik ro'yxatga olgandik. O'g'lini futbol to'garagiga jalb qilgandik. Ancha o'zgardi. Endi ta'til vaqtida yozgi oromgohga jo'natmoqchimiz. Do'stlar orttiradi, ham maroqli dam oladi...

– Mirzobek bilan ikki yildan beri ishlayotgan bo'lsak, talabchanligi, har bir ishni puxta bajarishi, eng asosiysi, uzoqni ko'zlay bilish qobiliyati yuqoriligi uning kelajagi porloqligidan dalolat beradi, – deydi mahalla raisi J.Akramov.

Mahallada ikkita umumiy ovqatlanish shoxobchasi hamda aholi gavjum joylar ko'pligi bois, bu yerda mayda bezorilik, jamoat joyida spirtli ichimlik iste'mol qilish va tungi vaqtda maishiy shovqin chiqarish holatlari uchrab

turadi. Bularning oldini olish uchun profilaktika inspektori kun-u tun ogoh bo'lib turishi darkor. Leytenant M.Tursunov



mahalla faollari bilan hamkorlikni yaxshi yo'lga qo'ygan. Shuningdek, mahalla yettiligining og'zibirligi yaxshi natija beryapti.

– Jinoyat sodir etishga moyil yoki jabrlanish ehtimoli yuqori bo'lgan shaxslar bilan doimiy profilaktik suhbatlar

olib borayotganligimiz uchun mahalla hududida jinoyat sodir etilishiga yo'l qo'yilmadi. Ma'muriy huquqbuzarlik holatlari ham keskin kamaydi. Muqaddam sudlangan shaxslar oilasi bilan totuvlikda yashab kelishmoqda, – deydi leytenant M.Tursunov. – Yaqinda jazo muddatini o'tab qaytgan M.Rasulovaga homiy tashkilot yordamida tikuv mashinasi olib berildi. U nafaqat o'zini o'zi band qildi, balki oilasi daromadiga hissa qo'shayotganidan ham xursand.

2023-yil IIV Akademiyasini tugatib, Kogon shahar IIB JXX HPB profilaktika inspektorligidan xizmat faoliyatini boshlagan lavhamiz qahramoni shahar IIB terma jamoasida faol, «Zakovat» intellektual o'yini, «Yosh kitobxon» hamda «Eng yaxshi profilaktika inspektori» ko'rik-tanlovlarida qatnashib kelmoqda. Joriy yilda «Ma'naviyat oyligi» doirasida va sohibqiron Amir Temur tavalludiga bag'ishlangan «Zakovat» intellektual o'yinining tumanlararo bosqichida shahar IIB jamoasi g'olib bo'ldi. Bu yutuqqa erishishda leytenant Mirzobek Tursunovning ham xizmati katta bo'ldi.

Mirzoqul AHADOV,
o'z muxbirimiz.

Buxoro viloyati.



SPORTNI SEV, SPORT BILAN YASHA!

OTAM, ONAM VA MEN – SPORTCHILAR OILASI

Ichki ishlar organlari xodimlari o'rtasida 1-iyun – Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni munosabati bilan «Otam, onam va men – sportchilar oilasi» shiori ostida sportning estafeta, shaxmat, shashka va arqon tortish turlari bo'yicha musobaqa o'tkazildi. Unda soha-viy xizmatlardan 16 ta jamoa 52 nafar oila a'zolari bilan ishtirok etdi.

Barcha shartlarni a'lo darajada bajargan IIV Akademiyasi xodimi, kapitan Akmal Mirsharapov hamda Jazoni ijro etish departamenti xodimi, safdor Saken Ismailovlar oilasi uchinchi, Transport va turizm obyektlarida xavfsizlikni ta'minlash departamenti xodimi, mayor Nuriddin Jumaboyev oilasi ikkinchi o'rinni egalladi. Faxrli birinchi o'rin Qorovul qo'shinlari qo'mondonligi harbiy xizmatchisi, III darajali serjant Turg'un Ostonov oilasiga nasb etdi.

Shuningdek, musobaqada «Faol ishtirok etgan oila» nominatsiyasiga IIV Jamoat tartibini saqlash xizmati xodimi, katta serjant Zafar Tanirkulov va Tezkor qidiruv departamenti xodimi, safdor Shahlo Axmedjanova oilasi munosib deb topildi.

G'olib ishtirokchilar va ularning oila a'zolari musobaqa tashkilotchilari tomonidan diplom, medal va qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandi.

O'z muxbirimiz.



XIZMATLARDA


BAG'RIKENGLIK SIYOSATI

Andijon viloyati respublikadagi eng chekka hududlardan hisoblansa-da, bu yerga dunyoning ko'plab mamlakatlari fuqarolari kelib ketadi. Masalan, joriy yilning 5 oyi davomida 12485 nafar xorij fuqarosi yashash uchun vaqtincha ro'yxatga qo'yildi. Ular orasida dunyoning 50 ta davlatidan kelgan vakillar bor. Eng ko'p yon va jon qo'shni Qirg'iz Respublikasi fuqarolari bo'lsa, undan keyingi o'rinlarni Turkiya, Xitoy, Tojikiston, Qozog'iston, Turkmaniston va AQSHdan kelgan shaxslar tashkil etadi. Ro'yxatdan Ispaniya, Germaniya, Buyuk Britaniya kabi bir qator Yevropa mamlakatlari hamda Bahrayn, Jazoir, Marokash, Misr kabi Osiyo davlatlaridan tashrif buyurgan mehmonlar ham o'rin olgan. Ular asosan ish, biznes, sayohat, oilaviy

kistonda vaqtincha ro'yxatda turish muddati bir oyga uzaytirildi.

Viloyatda fuqaroligi bo'lmagan shaxs (FBSH)larni fuqarolikka qabul qilish jarayonlari osonlashdi. 2016-yildan shu kunga qadar 3 mingga yaqin fuqaroligi bo'lmagan shaxs Prezidentning tegishli farmonlari asosida fuqarolikka qabul qilingan bo'lsa, 2022-yildan boshlab mingdan ortiq shaxslarning fuqaroligi tan olindi. Bu esa ko'rsatilayotgan bag'rikenglik siyosati natijasida FBSH hujjatiga ega bo'lgan fuqarolar deyarli qolmaganini, bunday maqomdagi shaxslar yurtimizning to'laqonli fuqarolariga aylanganligini bildiradi.

Bugun migratsiya xizmatlari va fuqarolikni rasmiylashtirish jarayonlari mutlaq yangicha dastur asosida faoliyat ko'rsatmoqda. Xizmatlar onlayn tizim orqali amalga oshirila-



aloqalar va mehmondorchilik maqsadlarida qadam ranjida qilgan. Viloyatda Hindiston va Pokistondan kelib, ta'lim olayotgan 1000 nafar talaba ham vaqtinchalik ro'yxatda turadi.

Viloyat IIB Migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish boshqarmasi muhim topshiriqlar bo'yicha inspektor, kapitan Jahongir Mullayev bergan ma'lumotlarga qaraganda, bugun mamlakatimizda chet davlatlar bilan yo'lga qo'yilgan keng qamrovli hamkorlik ortidan xorijliklarning yurtimizga kelib, vaqtincha yashash imkoniyatlari kengaydi. Masalan, Qozog'iston fuqarolarining O'zbe-

yotgani uchun murojaatlarning hal etilish davri jadallashdi. Avvalgidek navbat kutishlar yo'q. Hududiylik tamoyilning joriy etilishi fuqarolarga kerakli xizmatlardan foydalanish uchun o'ziga qulay migratsiya bo'limlariga murojaat qilish imkonini berdi. To'lovlar ham billing tizimi orqali, xodimlarning aralashuvishi amalga oshirilmoqda.

Xulosa shuki, yurtimizga kelayotgan xorijiy mehmonlar va yurtdoshlarimizning bizdan rozi bo'lishlari uchun barcha sharoit muhayyo.

Nigoraxon TO'XTAMATOVA,
o'z muxbirimiz.

Andijon viloyati.

STEREOTASVIR

Ushbu tasvir ostida sirli hajmiy (3D) rasm yashiringan. Topishga urinib ko'ring.

Rasmga qaragan paytingiz nigohingizni bo'sh qo'ying. Rasm chaplanib ketgach, nigohni uzmasdan sekinlik bilan uzoqlashtiring.



Внимание детям



ЗНАТЬ ДОЛЖНЫ И МАЛЫШИ!

Сотрудники дорожно-патрульной службы осуществляют целенаправленную деятельность по разъяснению детям ПДД.

Очередное мероприятие под девизом «Дисциплина дорожного

движения начинается с детства» состоялось в дошкольной образовательной организации № 50 города Самарканда. Малыши узнали значение основных дорожных знаков, необходимость неукоснительного следования правилам безопасного поведения.

Соб. корр.



Мы против коррупции

СОБЛЮДЕНИЕ ЗАКОНА ПРЕВЫШЕ ВСЕГО

В ходе проведения технических и оперативно-розыскных мероприятий сотрудники отделения кибербезопасности службы оперативного розыска УВД Джизакской области установили, что гражданин С. Б. осуществлял незаконную торговлю криптоактивами через социальные сети, а также распространял в мессенджерах информацию, пропагандирующую азартные игры, основанные на риске.

В рамках рассмотрения данных фактов в качестве вещественных доказательств были изъяты мобильный телефон и другие предметы, имеющие отношение к делу, начаты соответствующие процессуальные действия. В целях избежания привлечения к ответственности гражданин С. Б. предложил старшему оперуполномоченному отделения кибербезопасности капитану Орифжону Каримову взятку в размере 800 долларов США.

Сотрудник отказался от взятки, разъяснив гражданину противоправность его действий. Однако С. Б. не внял предостережениям и вновь предпринял попытку подкупа.

О факте коррупционного предложения капитан О. Каримов доложил руководству. Совместно с сотрудниками отдела ГУСБ МВД по Джизакской области и представителями прокуратуры, при участии понятых гражданин С. Б. был задержан с поличным при даче взятки.



Данный случай – яркое подтверждение принципиальной позиции сотрудников органов внутренних дел, для которых соблюдение закона является приоритетом.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
соб. корр.

Джизакская область.

Становление

ПОСТИГАЯ ПРОФЕССИЮ

Горячая пора у учащихся Каракалпакского академического лицея МВД Узбекистана. В эти дни в соответствии с образовательными планами они проходят учебную практику на базе отраслевых подразделений органов внутренних дел.



Учащиеся закрепляют теоретические знания, приобретенные в лицее, знакомятся со спецификой деятельности служб профилактики правонарушений, патрульно-постовой и дорожно-патрульной служб, подразделений миграции и оформления гражданства, формируют необходимые навыки.

– Практику прохожу на базе опорного пункта № 201 УКД ОВД г. Нукуса под руководством капитана Абатбая Оралбаева, – говорит учащийся 1-го курса Махкам Кадилов. – Изучаем деятельность по раннему предупреждению правонарушений в махалле Халыклар дослыгы, где проживают свыше 4 тысяч граждан, как осуществляется взаимодействие с активом

махалли, рассматриваются обращения жителей. Ознакомлюемся с работой, проводимой с молодежью в рамках правовой пропаганды, в том числе направленной на предупреждение киберпреступлений.

Представители преподавательского состава лицея в качестве кураторов осуществляют методическое консультирование. При этом особое внимание уделяют постижению будущими стражами порядка новых механизмов организации деятельности ОВД в сфере обеспечения общественной безопасности, борьбы с преступностью.

Ниетбай БЕКИМБЕТОВ.
Республика Каракалпакстан.



SUN'IY INTELLEKTNI JORIY ETISH — DAVR TALABI

Axborot texnologiyalari rivojlanishi natijasida sun'iy intellekt reallikka aylandi va shiddat bilan hayotimizga kirib keldi. Hozirda biz foydalanayotgan ko'plab dasturlar, jumladan, mobil qurilmalarning barchasi sun'iy tafakkur mahsulidir. Ularni yaratish va yig'ish jarayonida ham maxsus robotlarning beminnat xizmatidan foydalaniladi. Aniqrog'i, bir robotni yaratish uchun boshqa bir robot ishlatiladi.



Shu o'rinda savol tug'ilishi tabiiy. Sun'iy intellekt odamlardan ishini tortib olib qo'ymaydimi? Sun'iy intellektning o'zi odamlarning ishini olib qo'ymaydi, lekin undan unumli foydalana oladigan boshqa odamlar tortib olishi mumkin. Sun'iy intellektning aynan o'zidan qo'rqish kerak emas, balki uni yaxshilab o'rganish zarur bo'ladi. Bugungi kunda u ayniqsa media sohasiga shiddat bilan kirib keldi. Tasvir ustida ishlash, montaj qilish kabilarda qo'l kelyapti. Chet elda shu darajaga chiqdiki, televideniya boshlovchilarning sun'iy intellekt shakli yaratilib (avatar), dasturlar olib borilmoqda.

Sun'iy intellektning salbiy jihatlari bormi? Bunday olib qaraganda, salbiy tomonlar hamma narsada bor. Aytaylik, oddiy pichoqdan oshxona anjomi sifatida ham, qurol sifatida ham foydalanish mumkin. Sun'iy intellekt ham nima maqsadda, kimning qo'lida ishlatilishiga qarab foydali yoki zararli bo'lishi mumkin.

Yana shunga e'tibor qaratish lozimki, sun'iy intellekt dunyodagi har to'rtinchi ish o'rniga ta'sir ko'rsatmoqda. Sun'iy intellekt texnologiyalarining eng katta ta'siri ofis ishlariga to'g'ri keladi, chunki generativ sun'iy intellekt ko'plab vazifalarni avtomatlashtirish qobiliyatiga ega.

Xalqaro mehnat tashkiloti va Polsha Milliy tadqiqot instituti tomonidan o'tkazilgan yangi qo'shma tadqiqotga ko'ra, sun'iy intellekt foydalanishining eng katta ehtimoliy natijasi — insonni kompyuter bilan to'liq almashirish emas, balki mehnat jarayonining transformatsiyalanishi bo'ladi.

Qayd etilishicha, sun'iy intellekt mehnat bozorida erkaklar va ayollarga turlicha ta'sir ko'rsatadi. Dunyodagi ish o'rinlarining qariyb 25 foizi potensial ravishda sun'iy intellekt ta'siriga

uchraydi. Rivojlangan davlatlarda ushbu ko'rsatkich 34 foizga teng. Shu bilan birga, uning ayollar faoliyatiga ta'sir ko'rsatish ehtimoli yuqori.

Sun'iy intellekt turli sohalarda, masalan, tibbiyotda ham foydali bo'lishi mumkin. Tasavvur qiling, maxsus dasturga sog'lig'ingizga oid shikoyatlarni yozib bersangiz, u sizga tashxis qo'ya-di. Ya'ni, qanday davolanish yo'llarini ko'rsatib beradi va kerakli shifokorga yo'naltiradi. Albatta, sun'iy intellekt

intellekt avval bolaning fanni bilish darajasini aniqlaydi va har bir bolaga mos dasturni tuzib beradi, fanni o'rgatadi.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, sun'iy intellektning salbiy tomonlari ham bor. Masalan, taniqli shaxslarning, tadbirkorlarning yuzlari va ovozlari ishlatib, ularning qiyofasida odamlardan aldov yo'li bilan pul undirish holatlari bo'lishi mumkin. Ya'ni, «Biz sizga ko'p daromad qilish yo'llarini o'rgatamiz, buning uchun shu havolaga o'ting



haqiqiy shifokorlarning o'rnini egallamaydi va bu haqda o'zi ham aytadi. U kasalingizni aniqlab, davolanish uchun qaysi shifokorga murojaat qilishni tavsiya qiladi.

Shuningdek, u maqolalar yozishda, juda yirik bazadagi ma'lumotlarni tahlil qilishda qo'l keladi. Sun'iy intellekt matnlar, suratlar, audio va videolar generatsiyasida yordamchi vazifasini bajaradi.

Ta'lim sohasida ham uning o'rnida ahamiyatli. Masalan, ChatGPTga oyiga muayyan miqdorda pul to'lab, obuna bo'lish katta foyda berdi. U farzandlaringizga turli fanlarda ma'lumotlarni juda ham yaxshi biladigan o'qituvchi bo'lishi mumkin. Sun'iy

va men sizga qanday boyiganimni o'rgataman», degan videolar ijtimoiy tarmoqlarda paydo bo'lmoqda. Bunday videolar Facebook va Instagramda ko'p tarqaldi. Afsuski, ko'pchilik bilimgani va ma'lumotlarni tekshirish imkonini bo'lmagani uchun aldanib, katta pulga tushib qolganlar ham bo'ldi. Hozir biz shunaqa zamonda yashayapmizki, har bir ko'rgan narsamizni albatta tekshirishimiz kerak.

Sun'iy intellekt yordamida qonuniy daromad olish ham mumkin. Oddiy misol, dizayn sohasida ishlasangiz yoki bu sohada ta'limingiz bo'lmasa ham, sun'iy intellekt foydalanib so'zlar orqali logotiplar chizishingiz mumkin. Keyin ularni sotsangiz bo'ladi. Yoki

kontent yaratish davrida yashayapmiz. U kontent yaratishda ham juda katta yordam beradi.

Mamlakatimizda sun'iy intellektni yanada rivojlantirish maqsadida bir qancha me'yoriy hujjatlar qabul qilinmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Sun'iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi qarori qabul qilingan. Unda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarida sun'iy intellekt texnologiyalarini joriy qilish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizning sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalanuvchi dunyoning yetakchi davlatlari qatoriga kirishiga erishish, shuningdek, «Raqamli O'zbekiston — 2030» strategiyasida belgilangan maqsadlar ijrosini ta'minlash maqsadida bir qator vazifalar belgilab berilgan.

Bundan tashqari, Davlatimiz rahbarining «Ichki ishlar organlari tizimini raqamli transformatsiya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarori ham bugungi kunda dolzarb ahamiyatga ega. Chunki axborot texnologiyalarining rivojlanishi, inson hayotining barcha jabhalariga kirib kelishi qulayliklar bilan birga, yangi tahdidlarni ham olib kelmoqda. Milliy segmentimizda kiberxavfsizlik tahdidlari ham parallel ravishda o'smoqda. Firiqarlik yo'li bilan personal, ya'ni shaxsga doir ma'lumotlarning o'g'irlanishi asosiy tahdidlardan bo'lib bormoqda. Bunday sharoitda ichki ishlar xodimlarining axborot texnologiyalaridan keng foydalanishlari bilan bir qatorda, ular yordamida amalga oshirilgan jinoyatlarga ham qarshi kurashish vazifasi turibdi.

Davlatimiz rahbarining yuqorida tilga olingan qarorida ichki ishlar organlarini raqamli transformatsiya qilish asosiy ustuvor vazifa sifatida belgilangan. Sohada kiberxavfsizlikni ta'minlash, jinoyatlarga qarshi kurashish yo'nalishida sun'iy intellekt va axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan keng foydalanish nazarda tutilganligi bilan ham bu qaror ahamiyatlidir.

Xulosa qilib aytganda, sun'iy intellektning zarardan foydasi ko'p, albatta. Faqat undan to'g'ri, oqilona joydalanish lozim. Hozirda ko'p takrorlanayotganidek, u qo'rqinchli va cheklab qo'yiladigan xavf emas. Uni inson boshqaruvidan chiqarib yubormaslik kerak. Biroq nima bo'lganda ham, unga ongli mavjudot sifatida qarash noto'g'ri. Chunki u ulkan imkoniyatlarga ega bo'lsa-da, inson tomonidan ixtiro qilinganligini unutmasligimiz kerak.

Sarvar SOBIROV,
o'z muxbirimiz.



Maqolani qoraqalpoq tilida ushbu QR-kod orqali o'qishingiz mumkin.



SOHA FIDOYISI

YPX MASKANIDAGI HUSHYORLIK tufayli jinoyatning oldi olindi

Soat millari tungi taxminan 2:40 ni ko'rsatayotgan mahal. Boysun tumanidagi «Shifobuloq» mahallasi hududida joylashgan «Darband» YPX maskanida ish qizg'in. Bu yer Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlarini bog'lovchi asosiy darvoza bo'lganligi bois doim kelib-ketuvchilarning keti uzilmaydi.

Viloyat IIB Jamoat xavfsizligi xizmati JTSB Kinologiya bo'linmasi instruktor-kinologi, safdor Zuhridin Davronov ham o'z xizmat vazifasini o'tash uchun YHXB xodimlari bilan birgalikda navbatchilik olib borardi.

U o'ziga birlashtirilgan «Graf» laqabli xizmat iti bilan birga postda hushyor turgan vaqtda Toshkentga qarab yo'lga chiqqan «Cobalt» rusumli avtomobil postga kirib keladi. YPX maskanida barcha xodimlar kecha-yu kunduz qat'iy nazorat olib borishayotganini sezgan yo'lovchi Fozil Ibodov (ism-sharifi o'zgartirildi) ning ko'ngliga g'ulg'ula oralaydi. Uning hujjatlari tekshirilayotgan vaqtda ko'zlari atrofga olazarak qaray boshlaydi. Safdor Z. Davronov uning xatti-harakatlaridagi xavotirni sezib, xizmat iti bilan birgalikda mashinaning ichki va tashqi qismlarini ko'zdan kechirishga kirishadi. Kinologning harakatlarini ko'rgan F.Ibodovning xavotiri yanada ortadi.

Hid oluvchi «Graf» esa mashina emas, F.Ibodov tomonga

ishora qiladi. Topqir jonivorning yo'nalish olishi to'g'ri chiqdi. F. Ibodovning yonlari ko'zdan kechirilganida, sof vazni 0,53 gramm bo'lgan opiy giyohvandlik moddasi topildi. Zudlik bilan zarur hujjatlar rasmiylashtirilib, holat yuzasidan jinoiy ish qo'zg'atildi.

Zuhridin Davronov 1991-yil Jarqo'rg'on tumanida tug'ilgan. Ichki ishlar organlari tizimida 2012-yildan beri faoliyat olib boradi. O'z ishini sadoqat bilan bajaradigan xodim hozirda Termiz davlat muhandislik va agrotexnologiyalar universitetida sirtidan tahsil olmoqda. U bir necha marotaba jinoyatlarning «issiq izida» ochilishida jonbozlik ko'rsatgan.

Lavhamiz qahramonining sadoqat va mas'uliyat bilan xizmat qilishdagi faolligi, doimiy intilishi va bilim olishga bo'lgan sa'y-harakati uning professional va shaxsiy yuksalishiga xizmat qilmoqda. Uning bu fidoiyligi barchaga ibrat bo'lishi shubhasiz.

Feruza RAHMONQULOVA,
o'z muxbirimiz.

Surxondaryo viloyati.



YO'L INTIZOMNI YOQTIRADI

HAR BIR BELGI «GAPIRADI»



Tuproqqal'a tumanida harakat xavfsizligini ta'minlash, turli ko'ngilsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha hamkorlikdagi profilaktik-targ'ibot tadbirlari natijasida yo'l harakati bilan bog'liq salbiy holatlarning oldi olinmoqda.



Joriy yilning o'tgan davrida aniqlangan 533 ta qoidabuzarlikning eng achinarlisi, 400 nafar kishi tegishli hujjatlarga ega bo'lmaganidan turib transport vositasini boshqargan.

– Haydovchilarning yo'l harakati qoidalariga amal qilmasligi, charchash va toliqish holatida avtoulavlarni boshqarishi og'ir oqibatli yo'l-transport hodisalariga sabab bo'lmoqda, – deydi tuman IIB YHXB katta inspektori, kapitan Erkinboy Sapayev. – Bu kabi holatlarning barvaqt oldini olish maqsadida haydovchilar bilan profilaktik suhbatlar o'tkazilyapti. Lekin ayrim haydovchilar bundan to'g'ri xulosa chiqarishmayapti.

Joriy yilning 17 mart kuni soat taxminan 19:15 larda Tuproqqal'a tumani hududidan o'tuvchi A380 xalqaro avtomobil yo'lining 456-km da haydovchi Azamat Hojiboyev «GAZ A213310» rusumli yuk avtomobilini boshqarib borayotib uxlab qolgan. Natijada avtomashina yo'l chetiga chiqib ag'darilgan va haydovchi tan jarohati olgan holda tuman tibbiyot birlashmasiga yotqizilgan.

Yo'l-transport hodisalarining oldini olishda avtomobil yo'llarini talab darajasida ta'mirlash, ushbu yo'nalishdagi ishlarni samarali tashkil etish, mavjud muammolarni hal etish maqsadida tegishli

tashkilot va korxonalar mas'ullari bilan hamkorlikda o'rganish ishlari olib borildi. Ayrim hududlarga yangi yo'l belgilari o'rnatildi, yaroqsiz holga kelganlari almashtirildi.

Chunki yo'l belgilari «gapi-radi». Haydovchi va yo'lovchilar ularni uqishi va amal qilishi kerak. Yo'l va yo'lining piyodalar o'tish qismini ta'mirlash, tungi yoritish uskunalarini o'rnatish, avtoshoh-bekatlarni, bozorlar va aholi gavjum hududlarga harakat xavfsizligini targ'ib qiluvchi pannolar, xalqaro va davlat ahamiyatidagi avtomobil yo'llarining mashinalar yuqori tezlikda harakatlanuvchi hududlariga ogohlantiruvchi mayoqchalar o'rnatildi.

Soha xodimlari mahallalarda, dam olish oromgohlarida, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida yo'l harakati bilan bog'liq bo'lgan turli madaniy-ma'rifiy tadbirlar, o'quv mashg'ulotlari o'tkazishyapti. Lekin shu o'rinda aytib o'tish jo'izki, yo'l-transport hodisalarining kamayishiga faqatgina ichki ishlar organlari xodimlari emas, balki jamoatchilik, mahalla-ko'y ham mas'uldir. Zero, hamkorlik va hamjihatlikda amalga oshirilgan har bir ish samarali natijalar berishi shubhasiz.

Xudoybergan JABBOROV,
o'z muxbirimiz.

Xorazm viloyati.



Нам сообщают



■ Ферганская область

**Эффективно проходит
месячник «Порядок
и дисциплина».**

Так, в Управлении безопасности дорожного движения для сотрудников были организованы мероприятия воспитательного и пропагандистско-агитационного характера.

В целях военно-патриотического воспитания молодежи, привлечения их в ряды органов внутренних дел в управлении провели



День открытых дверей. Учащиеся академических лицеев и профессиональных колледжей города Ферганы ознакомились со спецификой службы. Сотрудники рассказали им о внедряемых цифровых технологиях, новых методах работы. Большой интерес у представителей молодежи вызвали дежурная часть и «Уголок патриотизма», повествующий об истории органов внутренних дел.

Достон БОЗОРОВ,
старший лейтенант.

■ Наманганская область

Согласно распоряжению министра внутренних дел Республики Узбекистан в июне проводится «Месячник молодежи». В его рамках в УВД организован учебный семинар для ответственных за духовно-просветительскую работу, молодежных лидеров городских и районных отделов внутренних дел.

Семинар прошел в форме видеоселектора. Даны поручения относительно проведения запланированных мероприятий.

Обсуждены вопросы, касающиеся мер противодействия коррупции, превращения органов внутренних дел в подлинно народную и профессиональную структуру.



В Наманганском государственном техническом университете состоялся «круглый стол». В нем участвовали представители ректората и деканатов вуза, инспекторы профилактики, студенты.

Цель мероприятия – предупреждение правонарушений и преступности среди молодежи, повышение их правовых знаний, осведомленности о правилах безопасности.

Затрагивались вопросы, касающиеся соблюдения Правил дорожного движения, кибербезопасности. Состоялась беседа по проблемам, волнующим студентов, выслушаны их мнения и предложения.

Соб. корр.

■ Хорезмская область

В следственной группе при ОВД Ургенчского района состоялся очередной мастер-класс. В нем участвовали сотрудники Следственного управления, следственных отделов и групп при городских и районных отделах внутренних дел.

На мероприятии рассмотрены вопросы организации следственного процесса, порядок приема обращений граждан, контроля исполнения документов.



– Электронные программы, используемые в процессе следствия, повышают эффективность работы, – говорит старший следователь следственной группы капитан Азамат Султонов. – Они позволяют обеспечить системность сбора документов, оперативно рассматривать обращения юридических и физических лиц.

Проведение подобных мастер-классов повышает знания, совершенствует навыки следователей, способствует обмену опытом.

Жалолбек БОБОЖОНОВ,
майор.





QO'SHSAHIFADA —

boshqa a'zolari bilan qo'lni qo'lga berib ishlashyapti. Ular chuqur huquqiy bilimga egaligi, profilaktika ishlarini samarali tashkil etishi bilan boshqa hamkasblariga namuna bo'lishyapti.

BAG'OYAT SAVOB ISH

Qoqilganni suyash – bag'oyat savob. Qiziltepa tumani IIB Probatsiya

marasidir, – deydi tuman IIB Probatsiya guruhi inspektori, katta leytenant Shamshod Asliddinov.

Ayni paytda tuman IIB Probatsiya guruhi nazorati ostida 187 nafar mahkum bo'lib, ularning 10 nafarini xotin-qizlar tashkil etadi. Joriy yilda jazoni ijro etish muassasalaridan ozod etilib, probatsiya nazorati ostiga olingan 2 nafar mahkum-

ga tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yishi uchun subsidiyal ajratildi. Ularning 10 nafari kasbga o'qitildi. Ijtimoiy-moddiy ahvoli og'ir bo'lgan 4 nafar mahkumning xonadoni ta'mirlab berildi.

SIFATLI TERGOV – BOSH TALAB

– Tergovchilar va surishtiruvchilar jinoyatlarni fosh etish va aybdorlarni aniqlashning bosh talabi tergovni sifatli olib borish ekanligini yaxshi bilishadi, – deydi tuman IIB huzuridagi Tergov guruhi katta tergovchisi, mayor Abbas Navro'zov. – Joriy yilning 5 oyi mobaynida 80 ga yaqin jinoyat ishini tergov qildik. Ularning ko'pini firibgarlik, o'g'irlik va giyohvandlik bilan bog'liq holatlar tashkil etadi.

Soha xodimlari dastlabki tergov jarayonida, xususan gumon qilinuvchi, jabrlanuvchi va guvohlar bilan muvoqot chog'ida xolislikni bir daqiqa ham unutishgani yo'q. Bundan tashqari, mahallalarda o'tkazilayotgan jinoyat muhokamalarida, targ'ibot ishlarida ham faol ishtirok etishyapti.

QUYOSHDAN NUR OLGAN ZAMIN

Erta tongda ufqdan bosh ko'targan bobo Quyosh ilk nurlarini Zarafshon vodiysi uzra sochganida, Qiziltepa tumani o'zining bor husnu tarovatini namoyon etadi. Ushbu hudud xalqining yuragi ham xuddi tabiatidek saxiy, keng. Yer bilan tillashib, peshona teri evaziga ekinlardan mo'l hosil yetishtirayotgan dehqonlar, qo'li gul hunarmandlar, usta chorvadorlar yurti bu. Mahalliy aholi o'zining mehmonnavozligi bilan ma'lumu mashhur.

MAHALLA OSUDA BO'LSA...

Hududda 53 ta mahalla fuqarolar yig'ini bo'lib, 170 mingdan ortiq aholi istiqomat qiladi.

Joriy yil davomida soha xodimlarining sa'y-harakatlari bilan o'tgan yilda «qizil» toifada bo'lgan «So'fiyon», «Arabxona», «Vang'oz» va

«Xo'jaqo'rg'on» mahallalari-da birorta ham jinoyat sodir etilishiga yo'l qo'yilmadi. Aynan kuzatuv kameralari orqali 10dan ortiq jinoyat va huquqbuzarliklar fosh etildi. Profilaktika inspektorlari leytenant Diyorbek Sa'dullayev, katta leytenantlar Alisher Xolov hamda Nuriddin Valiyev mahalla yettiligining



guruhi xodimlari bu borada ibratli ishlarni amalga oshirishmoqda.

– Inson qadri ulug'lanayotgan jamiyatimizda bilib-bilmay jinoyat ko'chasi-ga kirib qolganlarga to'g'ri yo'l topishlarida har tomonlama ko'maklashilyapti. Probatsiya nazoratidagi shaxslar orasida xatolarini tushunib, to'g'ri xulosa chiqarib, kasb o'rganib, halol mehnati orqasidan ro'zg'or tebratib, tinch-totuv yashayotganlar ko'pchilikni tashkil etadi. Bu esa bizning faoliyatimiz sa-



▶ PATRUL SHAHAR KEZADI

TONGLAR OTAVERSIN TINCH-OSOYISHTA

(Davomi. Boshi 1-betda).

Uni sekin uyg'otib, nima uchun bu yerda tunayotganini bilmoqchi bo'lishdi. Haligi kishi ko'zi xodimlarga tushishi bilan xaltasini olib qochishga urindi. Xodimlar bu holatga ham tayyor turishgan edi. Surishtiruv chog'ida uning o'g'irlik sodir etgani sababli qidirilayotgani ma'lum bo'ldi.

Tongga yaqin Janubiy ko'chada xizmat o'tayotgan PPX xodimlaridan biri gaz hidini payqab qoldi. Atrofni sinchiklab ko'zdan kechirishsa, haqiqatan ham ko'p qavatli uylar oldidan o'tgan quvurdan gaz sizib chiqayotgan ekan. Bu esa jiddiy ko'ngilsizlik-



ka sabab bo'lishi mumkin edi. Xodimlar zudlik bilan tegishli xizmatga qo'ng'roq qilib, ushbu holat haqida xabar berishdi. Natijada tong otgunga qadar gaz quvuri ta'mirlab qo'yildi.

Viloyat IIB JTSB PPX batalyoni xodimlari tungi patrullik davomida shaharning jinoyat yuz berishi ehtimoli yuqori bo'lgan hududlari, mahallalarning yaxshi yoritilmagan joylari hamda kafe-barlar, boshqa ko'ngilochar maskanlarga alohida e'tibor qaratishadi. Shuningdek, ko'cha ko'yda bemaqsad yurganlarning, shubhali kimsalarning shaxsiga aniqlik kiritiladi.



NAVOIY VILOYATI

KASB FIDOYISI

Tarbiya – bu shunchaki oddiy jarayon emas, balki bola qalbiga yo'l topish san'ati. Uning qalbi avvaliga oq qog'ozdek toza bo'ladi. Ana shu oq qog'ozga ota-ona nima chizsa, kelgusida shunday manzara kasb etadi. Ota-ona bugun bola tarbiyasiga e'tiborsiz bo'lsa, ertaga afsus chekadi, uyatdan bosh ko'tarolmay qoladi.

BOLA QALBI – OQ QOG'OZ

Zarafshon shahrining «Oltin vodi» mahallasida istiqomat qiluvchi Oliya (ismlar o'zgartirildi) Vohid bilan tanishib, keyinchalik yaxshi niyatlar bilan turmush qurishdi. Ammo farzandli bo'lganidan keyin, oilaviy kelesovchiliklar yuzaga chiqqan boshladi. Oliya boriga qanoat qilmay, hadeb turmush o'rtog'ining kam topishidan noliyverardi. Shu alfozda yillar o'tib, qizi Nodira 6 yoshga to'ldi. O'zaro janjallar oqibatida oxiri er-xotin ajrimgacha borishdi. O'rta-da bola sarson. Hali Oliya qizini ota uyiga olib ketadi, hali Nodirani otasi yashirinch qaytarib olib keladi.

Ushbu holatni o'rgangan Zarafshon shahar IIB JXX HPB Voyaga yetmagan yoshlar bilan ishlash gu-

ruhi katta inspektori, kapitan Sitora Boboqulova er-xotinni murosaga keltirishga ko'p urindi. Ammo foydasi bo'lmadi. Shundan so'ng qizchaga himoya orderi berishni taklif qildi. Oilaviy nizo sudgacha yetib bordi. Ajrim bo'lgach, qizcha otasi qaramog'iga qaytarildi, onasi esa ko'p o'tmay xorijga ishlash uchun ketdi.

Shu o'rinda ota-onaning farzand tarbiyasiga loqaydligi qanday oqibatlariga sabab bo'lishiga yana bir misol keltirsak. Er-xotin o'g'illarini endi aqlini tanib oldi, katta bo'lib qoldi, bu yog'iga o'zini eplaydi deb o'ylashdimi, uni o'z holiga tashlab, chet elga ishlagani ketishdi. Maktabning bitiruvchi sinfida o'qiydigan

Jasur uyida yolg'iz qoldi. Natijada bir necha bebosh o'rtoqlariga qo'shilib zararli odatlarni o'rgana boshladi. Tungi reydlarning birida uning ko'cha-ko'yda nazoratsiz yurgani aniqlandi. O'smirning turmush sharoiti haqidagi ma'lumotlar oshkor bo'lgach, kapitan Sitora Boboqulova darhol uning ota-onasi bilan bog'lanib, vaziyatni tushuntirib, ularning farzand oldidagi mas'uliyati va javobgarligini tushuntirdi. To ota-onasi qaytgunga qadar Jasurni viloyat IIB HPB Voyaga yetmaganlarga ijtimoiy-huquqiy yordam ko'rsatish markaziga joylashtirdi. Bir oydan so'ng o'smirning onasi qaytdi. Sitora suhbat davomida o'g'li

jinoyat ko'chasiga kirmasidan uning tarbiyasi bilan jiddiy shug'ullanishi lozimligini ayolga tushuntirdi.

Kapitan Sitora Boboqulova yosh, intiluvchan xodimalardan biri. Avval, Xatirchi tumani IIB JXX HPB xotinqizlar masalalari bo'yicha inspektori 2022-yildan buyon esa Zarafshon shahrining voyaga yetmagan yoshlari bilan tizimli ishlar olib boryapti.

Lavhamiz qahramoni shahar hududida jinoyat sodir etishga moyil 70 nafar yoshning har biri bilan yakka tartibda suhbatlashib tushuntirish ishlari olib boryapti. Mahalla va maktablar ma'muriyati bilan hamkorlikda yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish maqsadida sport musobaqalari, kitobxonlik tadbirlari uyushtirib, ularni to'garaklarga jalb etadi.

QILNI QIRQ YORIB

XATOSI TAQDIRNI O'ZGARTIRADI

Jinoyatchilikka qarshi samarali kurashish, ashyoviy dalillar asosida haqiqatni aniqlash va adolatni qaror toptirishda ekspert-kriminalistlar muhim rol o'ynaydi.


Hayotxon Narziyev 2013-yilda IIV Akademiyasini muvaffaqiyatli tamomladi. So'ng ilk xizmat faoliyatini Navoiy viloyati IIB Ekspert-kriminalistika markazida boshladi. Uning mazkur tizimga kirib kelishi shunchaki tasodif emas. Hayotxonning otasi iste'fodagi mayor Sayyodxon Narziyev ichki ishlar organlari sohasida qariyb 33 yil xizmat qilib, ko'plab shogirdlar tarbiyalab yetishtirgan.

Mayor Hayotxon Narziyev otasining maslahatlari va tavsiyalariga amal qilib kam bo'lmayapti. Shuningdek, mutaxassis sifatida sohaga oid jahon tajribasini sinchkovlik bilan kuzatib boradi. O'qib o'rganganlarini amaliyotda qo'llashga intiladi. U nafaqat kasbiy mahoratini oshirishga, balki tahlil qobiliyatini rivojlantirishga ham harakat qiladi.

– Ma'lumotlarni umumlashtirish, tahlil qilish, zarurat bo'lganda qayta tekshirish kishidan xotirjamlikni, sabr-toqatni talab etadi. Xato qilishga haqqimiz yo'q. Chunki bizning xulosamiz qaysidir inson taqdirini u yoki bu darajada o'zgartirib yuborishi mumkin, – deydi lavhamiz qahramoni.

Ayni paytda Nurota tumani IIB Ekspert-kriminalistika guruhi katta

eksperti lavozimida faoliyat olib borayotgan mayor Hayotxon Narziyev hududda sodir etilgan jinoyatlarni «issiq izida» fosh etishga o'z hissasini qo'shmoqda.



Yaqinda tumanning olis «Cho'ya» mahallasida o'g'irlik sodir etildi. Gap shundaki, cho'pon Sadir otaning mingga yaqin qo'y-qo'zisi bor. Ularni erta tongdan to kun botguncha tog'-u adirlarda o'tlatib yuradi. Qosh qoraygach, uyi yonidagi

qo'raga qamaydi. Bir kuni Sadir ota tong otishi bilan suruvni adirga haydayotib, tajribali cho'pon emasmi, sanamasa-da orasida 4 bosh qo'yi yo'qligini payqadi. Yo'qolgan jonivorlar orasida boshqalariga o'xshamagan qo'ng'ir qo'zisi ham bor edi. Otaxon shu zahoti tuman IIBga murojaat qildi.

Tergov-tezkor guruhi tarkibida ish olib borgan Hayotxon voqea joyini sinchiklab ko'zdan kechirdi. Shamol esib, qum izlarni ko'mib ketgan, ashyoviy dalillar deyarli yo'q edi. Shunda ekspertning ko'zi bir chetda turgan qoziqqa tushdi. Sadir ota uni qo'ra eshigini mahkamlashda ishlata edi. Mahoratli mutaxassis shu qoziqni tekshirib, unda Sadir otaga tegishli bo'lmagan qo'l barmoq izlari ham borligini aniqladi. Daktiloskopik tekshiruvlar natijasida gumon qilinuvchining shaxsi aniqlanib, o'g'ri topildi. U avval ham o'g'irlik sodir etgan, ayni paytda probatsiya nazoratida turgan mahkum bo'lib chiqdi.

Hozirgi kunda mayor Hayotxon Narziyev o'z vazifasini bajarish barobarida yosh ekspertlarga ustozlik ham qilyapti. Chunki yillar mobaynida to'plagan boy tajribasini va kasb mahoratini ularga o'rgatishni o'z burchi deb biladi.

«ISSIQ IZIDA»

YO'QOLGAN ISHONCH...

Mansur aka (ismlari o'zgartirildi) mahallada hurmat qozongan tadbirkor, qo'l ostidagi ishchilariga ham, moddiy jihatdan qiyналgan mahalladoshlariga ham baholi qudrat yordam beradigan saxovatli inson. Shuning uchun u oila a'zolari bilan to'yga ketgan paytida uyidagi seyfidan 120 million so'm miqdordagi pullari va tilla taqinchoqlar o'g'irlanganini eshitib boshqalar ham xafa bo'lishdi.

Tergovchi Mansur aka bilan suhbat davomida ilgari unda ishlab ketgan Farrux va Dilshod haqidagi gapi qiziqtirib qo'ydi.

Tergov-tezkor guruhi xodimlari katta ehtimol bilan aynan shu yigitlardan shubhalanishdi. Daktiloskopik tekshiruv natijasida voqea joyidan olingan barmoq izlari o'sha yigitlarga tegishligi tasdiqlandi. Shu tariqa tuman IIB xodimlari o'g'irlik sodir etgan shaxslarni besh kun ichida qo'lga olishdi. Ular dastlab Mansur aka bilan birga tadbirkorlik qilgan va olti oy oldin shaxsiy sabablariga ko'ra ketib qolgan Farrux va Dilshod edi.

Sud jarayonida ayblanuvchilar qilmishlarini tan olishdi va ularning har biriga besh yil muddatga ozodlikdan mahrum etish jazosi tayinlandi. Sud ularga jabrlanuvchiga yetkazilgan moddiy zararni qoplash majburiyatini ham yukladi.

Mansur aka bu yigitlarni o'ziga yaqin olib, doimo qo'llab-quvvatlab kelgandi. Ularning qilmishi tadbirkorning qalbiga og'ir jarohat yetkazdi. Mayli, payti kelib, ular o'g'irlagan pullarini ham, tilla taqinchoqlarini ham qaytarishar. Lekin yo'qolgan ishonchni qaytarib bo'lmikan?..

Qo'shsahifa materiallarini o'z muxbirimiz Mahliyo XOLOVA tayyorladi.



ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

ҲАМОН ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Аҳолининг тинчлик-осойишталигини сақлаш йўлида меҳнат қилаётган ички ишлар органлари фахрийлари орасида, истеъфодаги подполковник Қидирбай Гулманов ҳам бор.

У мактабда ўқиб юрган пайтлариёқ амакилари Бахий, Мақсет ва Хабибулла Раметовлар каби ички ишлар органи ходими бўлишни орзу қиларди. Шу боисдан ИИБ Академиясини тугатиб, дастлабки хизмат фаолиятини Нукус тумани ИИБда терговчи лавозимида бошлайди.

Бу ерда устозлари полковник Айтбай Темирханов, Мажит Байниязовлардан соҳанинг сир-асрорларини ўрганади. Сўнг туман ИИБ катта терговчиси, Чимбой, Қораўзак туманлари ИИБ катта терговчиси, 2010 йилдан эса Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармаси бўлинма бошлиғи лавозимида самарали фаолият олиб боради. 2015 йилда подполковник унвонида иззат-икром билан пенсияга кузатилади.

Лекин шундан кейин ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Дастлаб туман ИИБда ёш ходимларни эл-юртга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди. 2017 йилдан буён эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Нукус туманидаги Халқ қабулхонасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар асосида одамларнинг муаммоларига ечим топиш, хусусан, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бериш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, режага кўра тумандаги олис ҳудудларга борилиб, сайёр қабуллар ташкил этиш йўлга қўйилган, — дейди истеъфодаги подполковник Қидирбай Гулманов.

Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, «Саманбай» овул фуқаролар йиғини «Тарли» овулида яшовчи С.Есбергенов ҳудуддаги ички йўллар узоқ йиллар давомида таъмирталаб бўлиб қолаётгани, кўплаб электр устунлари қўлбола ҳолатдалиги, қолаверса, аҳолининг интернет тармоғига уланиш зарурияти борлигини айтиб, Халқ қабулхонасига мурожаат қилган эди. Ушбу мурожаатда кўтарилган масалалар мутасадди идоралар ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда кўриб чиқилди ҳамда ижобий ҳал этилишига эришилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, лавҳамиз қахрамони ҳозирги кунда Нукус тумани ИИБ Фахрийлар



кенгаши раиси вазифасини ҳам бажариб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида унинг раҳбарлигида бетоб фахрийларнинг, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг хонадонларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олинди. Кўмакка муҳтожларга имкон даражасида ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан бир гуруҳ соҳа фахрийлари ҳамда уларнинг оила аъзолари турли зиёратгоҳларга, Хива шаҳрига боришди.

Қидирбай Гулманов турмуш ўртоғи Қундуз ая билан 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Катта ўғли Мийирбек ота изидан бориб, олий таълим муассасасида ҳуқуқшунослик йўналишида таҳсил оляпти. Қизи Миясар маданият соҳасини танлаган. Эгизаклари Нурсултан ва Нурсулув эса мактабни битириш арафасида.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,
ўз мухбиримиз.**

Қорақалпоғистон Республикаси.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ИШОНЧЛИ ХАВФСИЗЛИК МАСКАНИ

Президентимизнинг тегишли қарори билан маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, одамларнинг эмин-эркин ва осуда турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳрида 4 та, Пастдарғом, Ургут туманларида 2 тадан, Каттакўрғон шаҳри, Каттакўрғон, Булунғур, Иштихон, Нарпай, Пахтачи ва Самарқанд туманларида 1 тадан маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ўз фаолиятини бошлади.



Хусусан, Булунғур туманининг «Меҳржон» маҳалласида 10-сонли ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги «Булунғур», «Янгикўрғон», Амир Темур номли маҳаллаларга хизмат кўрсатади. Янги масканда профилактика инспектори,

суриштирувчи, тезкор ва саф бўлинмалари ходимлари учун замонавий ва қулай хизмат хоналари ажратилган. Шунингдек, «Дамас» хизмат автомашинаси ходимларнинг хизмат самарадорлигини ошириш йўлида доимо шай.

— Мазкур масканга келиб ходимлардан «Меҳржон» маҳалласида яшовчи бир оила ҳақида маълумотга эга бўлдим, — дейди ўзини Маҳмуд ака деб таништирган суҳбатдошимиз. — Чунки яқинда ушбу хонадон билан кўра-анда бўлиш арафаси-

дамиз. Куёв қандай оилада тарбия топган, ота-онаси қанақа инсон, қўшнилари билан муносабати, маҳалладаги ўрни ҳақида сўраб-суриштирдик.

Каттакўрғон тумани «Қўштепа» маҳалласида жойлашган 9-сонли ҳуқуқ-тартибот маскани «Файзикент», «Қумоқ», «Қўштепа», «Таварон» маҳаллаларига хизмат кўрсатади. Одамларнинг тинч, хотиржам турмуш тарзини таъминлаш, криминоген вазият барқарорлигини сақлаш ходимлар томонидан назоратга олинган. Чет элдан қайтган фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларни доимий иш билан таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

— Ўзини ўзи бошқариш органида замонавий қулайликларга эга бундай осойишталик масканининг куриб берилгани ижобий натижадорликка эришишни таъминлайди, — дейди «Қўштепа» МФЙ раиси Камолиддин Жўраев. — Биз эса янада фидойилик, кўнчаклик билан аҳолига хизмат қилишимиз керак.

Пахтачи туманининг «Истиқлол» маҳалласидаги 12-сонли ҳамда

Ургут туманининг «Дўстлик» маҳалласидаги 14-сонли ҳуқуқ-тартибот масканида ҳам маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда барча бирдек масъул бўлиб, яқдиллик билан ишлашяпти.

Маҳалла фаоллари кўни-қўшнилари ахил-иноқ бўлиб яшашида, асосийси, осуда ҳаёт барқарор бўлишида масканнинг аҳамияти бекиёс эканлигини таъкидлашди. Ҳудуднинг кириш-чиқиш жойларига камералар ўрнатилгани эса хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчилик, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда айна мударо эканлигини яширишмади.

Бир сўз билан айтганда, жойлардаги ҳуқуқ-тартибот масканлари маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган профилактика ишлар самарадорлигини оширадиган, фуқароларнинг оғирини енгил, мушкулени осон қиладиган ҳимоя кўрғонига айланмоқда.

**Умида МАМАДАЛИЕВА,
ўз мухбиримиз.**
Самарқанд вилояти.



BIRNI KO'RIB FIKR QIL...

IMKON XULOSAGA CHORLASHI KERAK



Hayot yo'llarida adashib, qilmishidan chin dildan pushaymon bo'layotganlarga imkon berilib, insonparvarlik siyosati qo'llanilmoqdaki, bundan o'zlariga tegishli xulosa chiqarib olishmoqda. Bugungi «qahramon»imiz ham qilmishlari oqibatini o'ylamay, jinoyat sodir etganlardan biri.

«Lion Trans Group» mas'uliyati cheklangan jamiyati ish boshqaruvchisi O.G'. «Umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llarini qurish va rekonstruksiya qilish direksiyasi» DUK texnik kuzatuv va bajarilgan ishlarni qabul qilish bo'limi yetakchi mutaxassisi N.N. bilan oldindan o'zaro til birlashtirib, A-373 «M39 avtoyo'li–Guliston–Bo'ka–Angren–Qo'qon va Andijon orqali–O'sh» avtomobil yo'lining 385 km qismida vazn va hajm parametrlarini nazorat qilish punktlarini qurish va zamonaviy

texnik vositalar bilan jihozlash ishlarini amalga oshirish bo'yicha tuzilgan pudrat shartnomasiga asosan, 2022-yilning iyul oyidan 2023-yilning dekabr oyigacha bo'lgan muddatda joriy ta'mirlash ishlari aslida bajarilmagan bo'lsa-da, yo'lining ikki chetiga o'rnatilgan beton to'siqlar yuzalarini bo'yoqlash ishlari bajarilgani to'g'risida soxta hujjat rasmiylashtirib, 42 891 900 so'm budjet mablag'larini o'zlashtirish va rasstrata yo'li bilan talon-toroj qilishgan.

Farg'ona transport prokuraturasi talabnomasiga ko'ra, soha mutaxassislari tomonidan qayta nazorat-o'lchovdan o'tkazilgan vaqtda tuzilgan hujjatlarda beton to'siqlar yuzalari oq rangli bo'yoq o'rniga ohak bilan oqlangani aniqlandi. Ayblanuvchi qilmishidan chin dildan pushaymonligini bildirdi. Mazkur holat natijasida yetkazilgan moddiy zarar to'liq bartaraf etildi.

Jinoyat ishlari bo'yicha Bo'ston tuman sudi sudlanuvchi O.G'.ning yoshi 60 ga

borgani, qilmishlariga chin dildan pushaymon bo'lganini inobatga oldi va Jinoyat kodeksining tegishli moddalari bilan tayinlanishi mumkin bo'lgan jazodan ozod qilindi.

Xulosa o'rnida aytmoqchi bo'lganimiz, bu dunyoda halol mehnat bilan topgan nonga qanoat qilgan, to'g'rilikni odatga aylantirgan odam hech qachon kam bo'lmaydi. Aksincha, qing'irlikka qo'l urish salbiy huquqiy oqibatlarini keltirib chiqaribgina qolmasdan, balki kishining

obro'sini to'kadi, el orasida uyatga qoldiradi. Sudlanuvchi ham qing'ir yo'l bilan boylik topaman deb, adashdi. Jamoa, mahalla-ko'y oldida boshi egilib, yuzi shuvut bo'lgani qoldi, xolos.

Beknazar MIRZAYEV,
Farg'ona transport prokurorining katta yordamchisi.
Olimjon NOSIROV,
Namangan viloyati Transportda xavfsizlikni ta'minlash boshqarmasi HPB boshlig'i, mayor.

NUQTAYI NAZAR

Yaqinda ijtimoiy tarmoqlarda «Tezkor!», «Xushxabar!» xeshtegi ostida joriy yilning iyun oyidan boshlab, har oyning ikkinchi haftasidagi shanba va yakshanba «Oila va hamkasblar bilan sayohat kunlari» sifatida belgilangani haqidagi xabarlar yashin tezligida tarqaldi. Ko'pchilik bu xabardan do'ppisini osmonga otdi. To'g'rida, bir yo'li kunga bo'lsa ham, shahar shovqinidan ayro, chang-to'zondan dimiqqan o'pka biroz bo'lsa-da, toza havodan nafas olib, go'zal manzara, sharqiragan suv, so'lim tabiat qo'ynida yayrab hordiq chiqarganga nima yetsin?! Qolaversa, mutaxassislari ham tabiat qo'ynida dam olish ko'pgina kasalliklarni yengishda yordam berishini ta'kidlashadi.

EKOLOGIK MADANIYATIMIZ QAY DARAJADA?

Biroq har bir sohada bo'lgani kabi, tabiat bag'rida dam olishning ham o'ziga xos yo'l-yo'rig'i, odoblari borligini unutmaslik kerak. Ana shunday joylarda har birimizning ekologik madaniyatimiz qay darajadali ko'rinadi. Afsuski, ko'pincha dam olish maskanlarida, tog' yonbag'irlarida dam olgani borgan insonlardan qolgan «iz»larni ko'rib, ta'bingiz xira bo'ladi. Atrofga sochilgan plastik idishlar, oziq-ovqat o'ramlari qoldig'i, paketlar, hattoki bolalar tagliklarigacha ona tabiat bag'riga shundoq iring'itib yuborilganini ko'rib, bugungi kunda ekologik tarbiya qanchalar muhim ekanini yana bir bor chuqur anglaymiz.

To'g'ri, ekologiya xususida ko'p va xo'p gapiriladi. Biroq aholining ekologik madaniyatini yuksaltirishga bag'ishlangan tadbirlar kerakli samara beryaptimi? O'quv muassasa-

larida yoshlarga o'tilayotgan saboqlar, oiladagi tarbiya farzandlarimizni atrof-muhitga e'tiborliroq bo'lish bilan birga, tabiatni asrashga o'rgatyaptimi? Afsuski, bu savolga «ha» deb javob bera olmaymiz.

Demak, bu masalaga ongli yondashuv lozim. Mamlakatimizda 2025-yilning «Atrof-muhitni asrash va «yashil» iqtisodiyot yili» deb nomlanishi zahirida ham aslida ekologik barqarorlikni ta'minlash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish hamda yashil texnologiyalarni keng joriy etish maqsadlari yota-

Shu o'rinda birgina misol keltiramiz. Ko'pchilik umuman nazarga ilmay, duch kelgan joyga uloqtirib yuboradigan polietilen paketlarning parchalanishi **100 yildan 500 yilgacha** davom etishi mumkin. Avtomobil akkumulyatori, batareykalar, g'isht va beton bo'laklari **100 yil**ga qadar saqlanib turadi. Konserva quti, plastik idishlar, charm oyoq kiyimlar va neylon matolar **40–50 yil**, kartonli sut, sharbat idishlari **5 yil**, gazeta va kitob qog'oz **2 yil** hamda oziq-ovqat chiqindisi **1 oy**gacha muddatda chirimaydi. Afsuski, umuman chirimaydigan chiqindilar mavjudligiga ko'p ham ahamiyat bermaymiz. Oyna **1000 yildan** ortiq, alyuminiy quti **500 yil**, plastik baklajka **450 yil**, plastik taglik **250 yildan 500 yilgacha** saqlanib qolishi to'g'risida o'ylab ko'rmaymiz.

di. Zero, muqaddas tuproq, musaffo havo, zilol suv, o'z nurini saxiylik ila sochayotgan quyosh – barcha-barchasi tabiatning betakror mo'jizasi. Ona tabiatni, atrof muhitini asrab avaylash barchamizning asosiy burchimizdir.

Adolat FAYZIYEVA,
o'z muxbirimiz.





Урок духовности и просвещения

ВНЕДРЕНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА – ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

Узбекистан активно осваивает технологии «думающих» систем. В стране реализуется Стратегия, в числе целевых показателей которой вхождение в Топ-50 государств Индекса готовности правительства к искусственному интеллекту (Government AI Readiness Index).

ТЕХНОЛОГИЯ БЕЗОПАСНОСТИ

Почему искусственный интеллект (ИИ) стал так важен именно сейчас? Ответ очевиден: лавинообразный рост объема информации. Это в полной мере относится и к правоохранительной деятельности. Ежедневно создаются массивы данных из социальных сетей, с камер видеонаблюдения, новыми сведениями пополняются базы данных... ИИ способен обрабатывать их за считанные минуты.

Постановлением Президента от 5 мая 2025 года, направленным на цифровую трансформацию органов внутренних дел, предусмотрены меры по активному применению возможностей искусственного интеллекта в борьбе с преступностью и обеспечении общественной безопасности. На Департамент цифровых технологий и правовой статистики МВД, его территориальные подразделения возложены ответственные задачи по разработке и координации решений в данной сфере. Для ускорения процессов трансформации создается «Офис цифровых проектов» с привлечением специалистов Министерства цифровых технологий.

Возможности применения ИИ в деятельности органов внутренних дел весьма широки. ИИ – высокотехнологичный инструмент, способный существенно повысить эффективность противодействия преступности и ее профилактики. К примеру, в населенных пунктах устанавливаются камеры видеонаблюдения, с которых идет поток информации, нуждающийся в анализе. Это способен делать ИИ: в реальном времени распознавать лица людей, выявлять автомашины, числящиеся в угоне, сравнивать их с базами данных, находить совпадения, фиксировать нарушения ПДД, подавать сигнал операторам... ИИ может замечать нестандартные ситуации, например, подозрительное скопление людей, оставленный без присмотра предмет и т.д. ИИ эффективно анализирует статистику, учитывая тип правонарушения, время, место его совершения. На основе этого строятся прогностические модели. Данная

информация ценна для планирования деятельности, правильного распределения вверенных сил и средств.

А КАК У НИХ?

Китай один из мировых лидеров по внедрению ИИ в сферу обеспечения общественной безопасности. Китайская система

гично модели прогнозирования афтершоков). Отметим, что, как это часто бывает с новыми идеями, данный подход имеет своих сторонников и критиков.

Объединенные Арабские Эмираты (ОАЭ). Полиция активно использует ИИ для повышения безопасности. Применяются дроны с ИИ для мониторинга

Министерство юстиции Узбекистана в минувшем году представило платформу LexAI. Ключевой ее элемент – чат-бот на базе ИИ, который отвечает на юридические вопросы, помогает без помощи юридического работника подготовить необходимые документы. Ответы чат-бот черпает из одноименной Национальной базы законодательства (более 34 тысяч нормативных документов цифровой помощник «изучал» больше пяти месяцев).

НЕ ЗАВТРА, А СЕГОДНЯ

ИИ – не теория, а работающий инструмент. Его преимущества:

- экономия времени – ИИ берет на себя рутинные, монотонные задачи;
- повышение точности – человеку свойственно ошибаться; ИИ не устает, обрабатывает информацию по заданным алгоритмам;
- улучшение раскрываемости преступлений – ИИ мощный механизм для поиска скрытых связей;
- эффективная профилактика – системы прогнозирования преступности помогают понять, где и когда наиболее вероятны правонарушения, что позволяет правильно распределять силы и средства.

Конечно, внедрение ИИ потребует немалых материальных затрат. Необходимы соответствующая инфраструктура, программное обеспечение, кадры. Работа в данном аспекте ведется. Создан Научно-исследовательский институт развития цифровых технологий и искусственного интеллекта. Фондом «Эл-юрт умиди» в ведущие зарубежные центры направлены молодые специалисты для обучения по направлению «Искусственный интеллект». В Правоохранительной академии, Академии МВД Узбекистана внедряются курсы по прикладному применению технологий ИИ. Подписан Меморандум о сотрудничестве между Академией МВД и Центральноазиатской ассоциацией искусственного интеллекта (AICA).

Освоение возможностей ИИ открывает новые возможности для повышения эффективности процессов и создания инновационных решений в самых разных сферах жизни.

Олег КОН,
кандидат педагогических наук.



автоматизации рутинных задач создавалась еще в начале 2000-х годов. В стране развернута масштабная сеть камер видеонаблюдения, объединенных в системы распознавания лиц, анализа видеопотока и др. Технологии ИИ широко используются для контроля дорожного движения, фиксации нарушений и др. В судах ИИ помогает рассматривать дела, находить аналогичные случаи и даже готовить проекты решений. Несколько лет в стране применяется инновационная технология «умный суд», позволяющая автоматизировать рассмотрение дел на первой инстанции с подключением человека на этапе апелляции.

США. Полицейские департаменты в ряде городов США используют системы предиктивной аналитики. Они основаны на ИИ, анализируют массивы данных о преступности, выявляя общие закономерности, определяя зоны повышенного риска. Например, программа PredPol (известная и как Geolítica) способна прогнозировать места и время вероятных преступлений на основе специальных данных; высвечивает «горячие точки» на карте; применяет алгоритм «ближнего повторения» противоправных деяний (анало-

дорожного движения, а также для анализа данных и криминальной ситуации. Разрабатываются системы для распознавания опасного поведения в толпе. В крупных городах работают «умные» полицейские участки, где граждане могут получить услуги круглосуточно и без участия сотрудников, используя технологии ИИ и биометрической идентификации. Подобные инициативы реализуются также в **Нидерландах, Сербии, Индии** (проект «Gandhinagar SMART Police City») и др.

Эстония известна своим электронным правительством. Страна активно внедряет ИИ в различных сферах. В судебной системе Эстонии тестировался «робот-судья» – система ИИ для рассмотрения исков до 7 тыс. евро. Идея состоит в том, чтобы разгрузить судей. Стороны размещают документы в системе, а ИИ анализирует их и выносит решение. Стороны могут обжаловать решение ИИ в обычном суде.

В **России** при Совете судей рассматривается вопрос внедрения нейроправосудия, который сможет выступать в качестве помощника судей. По прогнозам, полноценная реализация инновации произойдет через 5–7 лет.




«TASHKENT LAW SPRING»:

HUQUQIY MODERNIZATSIYA YO'LIDA

Poytaxtimiz yana bir bor xalqaro huquqiy hamjamiyat e'tibor markaziga aylandi – mamlakatimizda «Tashkent Law Spring» IV xalqaro yuridik forumi bo'lib o'tdi. 2019-yildan buyon o'tkazilib kelinadigan mazkur forumning mavzusi «Raqamli texnologiyalar davri: kelajakka huquqiy nazar» bo'lib, jahon yuridik hamjamiyatini raqamlashtirish jarayonidagi yangi tahdidlar va imkoniyatlarni muhokama qilishga qaratildi.

Forumda 1 200 nafarga yaqin ishtirokchi, jumladan, 150 nafarga yaqin xorijiy spiker va rasmiylar, 40 dan ortiq davlat va xalqaro tashkilotlardan vakillar qatnashdi. Forum doirasida 20 ga yaqin tadbir, xususan, mahorat darslari, davra suhbatlari, ko'rgazmalar, shuningdek, ilk bor Xalqaro yoshlar yuridik forumi ham o'tkazildi. Ushbu forum eng nufuzli huquqiy anjumanlardan biri bo'lib, turli davlatlar huquqshunoslari o'rtasida tajriba va fikr almashish, hamkorlikni mustahkamlash uchun muhim platforma vazifasini o'taydi.



Yelena Lazar,
Doimiy arbitraj sudining a'zosi
(Ruminiya):

– Sun'iy intellekt bugungi kunda nafaqat taraqqiyot vositasi, balki jinoyat quroli sifatida ham faol qo'llanmoqda. Jinoyatchilar sun'iy intellekt yordamida an'anaviy jinoyatlarni, jumladan, fishing hujumlari, tovlamachilik va zararli dasturlarni amalga oshirmoqda.

Deepfake texnologiyasi jiddiy xavf omiliga aylandi. Si yordamida yaratilgan soxta audio va video materiallar firibgarlik, tovlamachilik va ijtimoiy manipulyatsiyalar uchun ishlatilmoqda. Masalan, 2024-yilda Arup kompaniyasi 25 million AQSH dollarlik deepfake firibgarligiga

uchradi. Shuningdek, ovozni klonlash orqali bank operatsiyalarida firibgarliklar qayd etilmoqda.

Bunday texnologiyalar ijtimoiy muhandislik hujumlarida ham keng qo'llanmoqda. Chatbotlar uzoq muddatli, ishonchli suhbatlar orqali foydalanuvchilarning maxfiy ma'lumotlarini bilib olishga urinadi.



Vyacheslav VITUSHKIN,
Rossiya Federal sud ekspertizasi markazi direktori:

– Sun'iy intellekt yordamida sodir etilayotgan jinoyatlarni fosh qilishda maxsus bilimlarni bilish talab etiladi. Sun'iy intellekt deepfake'lar, soxta xabarlar, zararli dasturlar va xavfsizlik tizimlarini buzishda qo'llanib yangi jinoyatlarni keltirib chiqarmoqda. 2024-yilda Rossiyada 760 mingdan ortiq kiberjinoyat qayd etildi, zarar 200 milliard rublga yetdi.

Bu jinoyatlar murakkablashgan. Ularning oldini olish uchun kompyuter-texnik, lingvistik va fonoskopik ekspertizalar zarur. Si yaratgan raqamli obyektlar sababli ekspertlar malakasini oshirish va yangi usullar, dasturiy majmualar ishlab chiqish talab qilinadi.



Akram XALILOV,
Adliya vazirligi huzuridagi Xadicha Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazi direktori:

– Bugungi kunda davlat va no-davlat sud-ekspertiza tashkilotlari tomonidan shartnoma asosida 51 turdagi sud ekspertizasini o'tkazish belgilandi. Mazkur yangilik jismoniy va yuridik shaxslarga huquq va erkinliklarini ro'yobga chiqarishda sud ekspertizasi imkoniyatlaridan keng foydalanish imkonini yaratadi.

Fuqarolarimiz hamda sud-tergov organlarining sud ekspertiza xulosalariga bo'lgan ehtiyojlarini qanoatlantirish maqsadida olib borilgan ilmiy izlanishlar natijasida keyingi 5 yilda 20 ta yangi ekspertiza turi amaliyotga joriy etildi. Sud-lingvistika, sud-kompyuter-texnika, sud-avtomobil yo'llari, intellektual mulk sohasida sud iqtisodiy ekspertizasi va boshqalar. Natijada Markazda amalga oshiriladigan sud ekspertizasi turlari 44 tadan 64 taga oshgan bo'lsa, mutaxassislik yo'nalishlari 106 taga yetdi.



Mishel DeStefano,
Mayami universitetining huquq professori:

– Bugungi yuristlar faqat qonun bilimdonlari bo'lib qolmasdan, zamonaviy texnologiyalarni ham o'zlashtirishi zarur. Yetakchilik xususiyati tug'ma emas, balki o'z ustida ishlash orqali shakllanadigan ko'nikma. Zamonaviy yetakchilar o'zlarining kuchli va zaif tomonlarini aniq anglab, jamoa a'zolarining ish uslublariga moslashish qobiliyatiga ega bo'lishadi.

Jamoaviy hamkorlik, ochiq fikrlik va mijozlarga yo'naltirilgan yondashuv huquqiy xizmatlarda ishonchli munosabatlar o'rnatishga yordam beradi. Murakkab muammolarni hal qilishda yuristlar huquq doirasidan tashqariga chiqib, turli soha mutaxassislari bilan hamkorlik qilishga tayyor turishi kerak.

Yuqoridagi soha mutaxassislari bildirgan fikrlarning o'ziyoq, xalqaro yuridik forumining asosiy mavzusi naqadar to'g'ri tanlanganligini tasdiqlashi shubhasiz.

Abror POYONOV,
o'z muxbirimiz.

ФОТОГРАФИЯ ТАРИХИДАН



XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда, ҳозирги Ўзбекистонда кенг тарқалган фотосанъатнинг ўзига хос мактаби юзага келиб, шиддат билан ривожланиб борди. Бунда Ватанимиз фотографияси ижодий пойдевори асосчиси Худойберган Девоновнинг ўрни беқиёсдир. Унинг бебаҳо маданий мероси Ўзбекистон фотосанъатининг дурдоналарини ташкил қилади.

Худойберган Девонов ўша давр мўъжизаларидан ҳисобланган фотографияга қизиқиб, авом кишилар ва мутаассиб руҳонийларнинг «Шайтон суратчи», «Афсунгар киночи» дейишларига қарамай, танлаган касбига содиқ қолди, тараққиёт маҳсули бўлган мўъжизавий оламга қадам қўйди ва ўлканинг биринчи фотографи, кейинроқ эса биринчи кинооператори ҳам бўлди. Бу борада уни маърифатпарвар Хива хони Феруз қўллаб-қувватлаганини ҳам таъкидламоқ лозим.

Худойберган Девоновнинг биринчи устози киноҳаваскор Вильгельм Пеннер бўлган. У ёш Худойберганни фото ва кино санъатига тортди ва бу ҳаётининг мазмунига айланди.

Хоразм делегациясининг 1908 йилда Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи чоғида Х.Де-

Ўзбекистонда фотография ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтган. Ажойиб табиати, дунёга машҳур тарихий обидалари, маҳаллий аҳолининг бетакрор миллий қадриятлари, турмуши ана шу ҳаётни фотоаппарат объективи орқали таништиришга ундарди. Диёримизга қадам қўйган биринчи фотографлар хорижлик янги санъат шайдолари бўлишган.

вонов ҳам бор эди. Ташриф якунланганидан сўнг у Россия империясининг пойтахтида икки ойга фотография сир-синаотларини ўрганиш мақсадида қолади. Машғулотлар тугаганидан кейин Худойберган Девонов ўша давр мўъжизаларидан ҳисобланган фотоаппарат, граммофон ва «ПАТЭ» – 593 русумли киноаппаратини юртига олиб қайтади. Ушбу кинокамера орқали у 1910 йилда Хива хони

Исфандиёрнинг фойтундаги сайри ҳақида биринчи ўзбек ҳужжатли фильмини суратга олди. Ҳозирги кунга қадар унинг яратган «Ўлкамиз тарихий обидалари», «Туркистон кўринишлари» ва бошқа фильмлари сақланган. Х. Девонов тарихий обидалар, минора ва масжидлар, одамларнинг ҳаётини суратга олган. Унинг шижоатли меҳнати туфайли хорижий мамлакатлар халқлари илк бор Хоразмнинг



қадимий бетакрор маданияти билан танишиш имконига эга бўлишди.

У нафақат Хоразмдан, балки Тошкент ва Фарғона водийсидан ҳам лавҳалар яратиб, 1937 йил августигача давр солномачиси сифатида фаолият кўрсатган. Ўша йилнинг 17 августидан унинг олижаноб фаолиятига чек қўйилди. Хонлик даврида зарбхона мудир, сарой амалдори бўлгани, хонларни суратга туширгани, жадидларга қўшилгани, Хоразм Халқ Республикаси пайтида нозир бўлиб ишлагани, қисқаси, миллий кайфиятдаги зиёли бўлгани учун «халқ душмани» тамғаси билан ҳибсга олинади ва 1938 йилда қатл этилади.

Худойберган Девонов ўзидан бебаҳо мерос – тарихий фотосуратларни қолдирган, афсуски, уларнинг аксарият қисми у қамоққа олинганидан сўнг йўқ қилиб ташланган. Бироқ баъзи ноёб фотосуратларни сақлаб қолишга эришилган. Фотосуратларнинг бир қисми Россиядаги Красногорск шаҳар архивида мавжуд. Бошқа қисми Урганч шаҳридаги Девоновларнинг оилавий архивида сақланади. Булар XX аср бошларида олинган кўплаб фотосуратлар, шиша пластинка ва негатив тасмалар, киноплёнкалар, фотоальбомлар, шахсий мактублар ва шахсан Худойберган Девонов ишлатиб юрган тарихий ёдгорлик – «Патэ фререз» – 593 кинокамерасидир.

Ўзбекистон фотографиясининг тарихи жаҳон фотосанъатининг ажралмас қисми бўлиб, Марказий Осиё, хусусан, мазкур санъатга қизиққан ҳамюртларимиз учун ўзига хос полигон вазифасини ўтади, десак, муболаға бўлмайди.

Ғайратулла ШУКУРОВ,
ўз мухбиримиз.

Худойберган Девонов фотоқўргазмасидан лавҳалар



■ Ташкентская область

КОГДА ДОРОГА – РАБОЧЕЕ МЕСТО

В городе Янгиюле прошла профилактическая встреча, организованная сотрудниками Управления безопасности дорожного движения совместно с представителями городского отдела благоустройства. Основное внимание в ходе беседы было уделено мерам по обеспечению безопасности труда работников, обслуживающих проезжую часть.



До участников доведена статистика дорожно-транспортных происшествий в регионе, акцентировано внимание на тех фактах, которые произошли по причине недостаточного соблюдения мер предосторожности во время дорожных работ.

В рамках профилактической работы даны рекомендации по обязательному использованию светоотражающих жилетов, сигнальных конусов и временных ограждений. Работникам напомнили, что каж-

дый элемент защитной экипировки – не формальность, а средство сохранения жизни и здоровья.

Отдельным пунктом обсуждения стало проведение инструктажей среди сотрудников дорожных служб. Руководству отделов благоустройства рекомендовано усилить контроль за соблюдением норм техники безопасности и регулярно напоминать работникам о правилах поведения на проезжей части.

Соб. корр.

■ г. Ташкент



БЕЗОПАСНОСТЬ НАЧИНАЕТСЯ С МАХАЛЛИ

На основе постановления Президента страны «О мерах по созданию безопасной среды и дальнейшему повышению эффективности системы раннего предупреждения правонарушений в махаллях республики в 2025 году» от 3 января 2025 года на местах проводятся масштабные мероприятия.

В школах, детских садах и других учреждениях социальной сферы Чиланзарского и Яшнабадского районов столицы установлены «тревожные кнопки», частные дома и субъекты предпринимательства подключаются к системе Главного управления охраны. Это способствует повышению эффективности реагирования в экстренных случаях.

Ведется целенаправленная пропагандистская и агитационная работа. В нее вовлечены инспекторы профилактики, активисты махаллей, представители Агентства по делам молодежи. Они проводят встречи с населением, разъясняют важность мер по предупреждению правонарушений.

Соб. корр.



В Чирчике прошли областные соревнования по волейболу, в которых приняли участие команды Уртачирчикского, Янгиюльского, Пскентского районов и города Чирчика. Они представляли четыре региональные зоны и состояли из лиц, находящихся на пробационном учете.

– Игры проходили в духе непримиримой борьбы за победу,

– говорит начальник Управления пробации СОБ ГУВД Ташкентской области подполковник Дилмурод Хужамов. – Регулярные тренировки, командная игра требуют самоорганизации, дисциплины, ответственности. Укрепление этих качеств у подучетных весьма важно. Кроме того, взаимодействие и общение помогают им преодолеть чувство изоляции, укрепляют со-

ЖИВИ СПОРТОМ!

Одна из задач службы пробации – оградить оступившихся на жизненном пути от неверного шага, помочь им занять достойное место в обществе, мотивировать к ведению здорового образа жизни. И спорт, как показывает практика, является одним из эффективных инструментов в этом процессе.



циальные связи. Спорт становится альтернативой асоциальному поведению.

По итогам всех игр, **третье место** в состязаниях заняла команда Янгиюльского района, **второе место** – команда Пскентского

района, **первое место** – команда города Чирчика, которая будет представлять область на республиканских соревнованиях.

Радик ТУМΠΑРОВ,
соб. корр.



«BARQAROR TURMUSH»

«MEN KUCHLI AYOLMAN!»

Quvada ushbu shior ostida profilaktik tadbirlar va «xonadonbay» o'rganishlar olib borilmoqda

Mamlakatimizda oilalar mustahkamligini ta'minlash, qadriyat va an'analarimizni asrab-avaylash, shu orqali jamiyatimizda sog'lom muhitni shakllantirish davlatimiz siyosatining bosh maqsadiga aylandi.

Ana shu ezgu niyatga hamohang ravishda Farg'ona viloyatida «Barqaror turmush» profilaktik tadbirlari o'tkazilmoqda.

Mazkur tadbirlar doirasida xotin-qizlar bilan ishlashda boy amaliy tajriba to'plagan katta inspektorlar va hamkor tashkilotlar vakillaridan tuzilgan ishchi guruhi tomonidan demografik jihatdan aholi eng ko'p yashaydigan va oila-turmush munosabatlari-

ga bog'liq jinoyatlar salmog'i nisbatan ko'paygan Quva tumani «xonadonbay» hamda «fuqarobay» o'rganishlar olib borilyapti.

Tazyiq va zo'ravonlikka uchragan, notinch oilalarda yashovchi, og'ir ijtimoiy ahvolda tushib qolgan xotin-qizlar ishtirokida o'tkazilgan «Men kuchli ayolman!» shiori ostidagi uchrashuv ko'plab o'ksik ko'ngillarga malham bo'lganini alohida ta'kidlash zarur.

Tashkil qilingan psixologik-treninglarda nizoli vaziyatlarni hal etish usullari va stressli holatlardan chiqish yuzasidan amaliy mashqlar olib borilib, og'ir ijtimoiy-ruhiy holatdagi ayollar psixologlardan yakka tartibda maslahatlar ham olishdi.

– Oila-turmush doirasidagi nizoli vaziyatlarni tahlil qilganimizda, ularning aksariyatida ayollar jabr ko'rayotgani, og'ir ijtimoiy-ruhiy holatlarga tushib qolayotgani ma'lum bo'ldi, – deydi Quva tumani IIB JXX HPB xotin-qizlar masalalari bo'yicha katta inspektori, kapitan Ziyoda Umarjonova. – Shu bois tadbirlar davomida, nizoli oilada yashovchi va himoya orderi olgan 200 nafar xotin-qizni qamrab oldik. Ruhiy tushkun ayollarga maslahatlar beryapmiz.

Tumandagi 19-bolalar musiqasi va san'at maktabida «Ayol – qadriyatlar davomchisi» mavzusida o'tkazilgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirda ham Yangi O'zbekistonda ibratli oilalarni ko'paytirish,



oila institutini mustahkamlash, qizlarni milliy qadriyatlarimiz asosida tarbiyalash kabi masalalar haqida so'z yuritildi. Shu kuni jamoatchilik e'tirofiga sazovor bo'layotgan, hayotiy tajribalarini ommalashtirgan holda, oilaviy qadriyatlarni saqlash va rivojlantirishga munosib hissa qo'shib kelayotgan 10 nafar namunali oila vakillari munosib taqdirlandi.

Kriminogen vaziyati og'ir bo'lgan «Quva», «G'alaba», «Go'zal», «Damariq», «Iftixor»,

«Turkrovot», «Toshhovuz» mahallalarida xatlov o'tkazilib, alohida e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan 70 nafar xotin-qiz bilan suhbat o'tkazildi, ularning muammolari ijobiy hal etildi.

Bir so'z bilan aytganda, bu kabi tadbirlar xotin-qizlar muammolarini erta aniqlash, bartaraf etish va oila atalmish muqaddas qo'rg'onni asrashga xizmat qilmoqda.

Abduvosit SIDIQOV,
o'z muxbirimiz.

Farg'ona viloyati.

YOSHLAR – KELAJAK BUNYODKORI

YUKSAK MARRALAR SARI

Mamlakatimizda yoshlarni har tomonlama yetuk, bilimli, salohiyatli, komil inson sifatida tarbiyalash masalasi doimo eng ustuvor vazifa bo'lib kelgan. Ohangaron tumani IIB JXX Probatsiya guruhi inspektori, leytenant Shohsanam Isomiddinova O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasini tamomlab, ichki ishlar organlari safiga xizmatga qabul qilingan faol yoshlardan.



– Ota-onam o'qituvchi. Maktabda dars berishadi. Ilm-fan, ta'lim-tarbiyaga alohida e'tibor qaratadi. Bo'sh vaqtlarimda turli janrlardagi badiiy asarlarni mutolaa qilishni yaxshi ko'raman. Tikish-bichish, chevarlikka ham qiziqishim baland. Sport turlaridan taekvandoni yoqtiraman, – deydi lavhamiz qahramoni.

Bilamizki, xodimlarning jismoniy va jangovar tayyor-

garligi bilan bir qatorda, ularning bilimi, intellektual salohiyati ham o'zaro bel-lashuvlar shaklida oshirib boriladi. Toshkent viloyati IIBB va uning quyi tizimlarida xizmat qilayotgan yosh xodimlar ishtirokida «Zakovat» intellektual o'yini hamda shaxmat va shashka turlari bo'yicha musobaqalar muntazam o'tkazib kelinadi.

Yaqinda yuqoridagi ezgu maqsadlarga hamohang tarzda o'tkazilgan viloyat miqyosidagi «Zakovat» bel-lashuvda Shohsanam va uning jamoadoshlari faxrli ikkinchi o'rinni egallashdi. Xizmat faoliyatining dastlabki bosqichlarida Sh. Isomiddinovaga kapitan Bahrom Berdiyev murabbiy sifatida birlashtirilgan probatsiya xizmatining sir-asrorlari bilan tanishtirgan.

Ma'lumotlarga ko'ra, probatsiya guruhi tomonidan joriy yil boshidan buyon 87 nafar shaxs hisobdan chiqarilib, sud hukmini qo'pol ravishda buzgani uchun 12 nafarining jazo chorasi og'irrog'iga almashtirilgan.

Hozirgi kunda probatsiya hisobida turadiganlarning umumiy soni 306 nafarni tashkil etadi. Yil boshidan buyon 8 marotaba mehnat yarmarkasi tashkil etilgan. Yosh xodima Shohsanam Isomiddinova har jabhada faol bo'lishga harakat qilib, xizmatda yuksak marralarni zabt etish niyati borligini yashirmadi.

Abror POYONOV,
o'z muxbirimiz.

Toshkent viloyati.

«QORADORI – 2025»

«ZAHRI QOTIL»
BALOSI

Giyohvandlik moddalarini yetishtirish, o'tkazish va sotish holatlariga barham berish, ayniqsa, yoshlar o'rtasida giyohvandlik illati tarqalishining oldini olish maqsadida respublikamizda har yili ikki bosqichda «Qoradori» keng qamrovli tezkor profilaktik tadbiri o'tkazib kelinmoqda. Ayni paytda Qashqadaryo viloyatida ham mazkur tadbirning birinchi bosqichi qizg'in pallaga kirgan.

Tadbirning o'tgan davrida viloyat hududida giyohvand moddalarni sotish, saqlash va yetishtirish bilan bog'liq 44 ta holat aniqlandi. Shundan 16 tasi o'tkazish, 13 tasi saqlash, 23 tasi ekip yetishtirish holatlaridir. Og'ufurushlardan jami 660,4 gramm giyohvandlik moddalari va kannabis o'simliklari olinib, 52 nafar shaxsga nisbatan jinoyat ishi qo'zg'atildi.

Jumladan, joriy yil 8-may kuni Qarshi tumani hududida o'tkazilgan tadbirda «Kat» ma-

hallasida yashovchi K.A.ning yashash xonadoni ko'zdan kechirildi. Bu jarayonda fuqaro tomorqasida 3037 tup ko'knor o'simligini parvarishlab kelayotgani aniqlanib, protsessual tartibda hujjatlashtirib olindi. Holat yuzasidan Qarshi tumani IIB huzuridagi Tergov bo'linmasi tomonidan jinoyat ishi qo'zg'atilib, tergov harakatlari olib borilmoqda.

«Qoradori – 2025» tadbiri jarayonida aniqlangan giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlar tahlilidan kelib chiqib, joylarda profilaktik ishlar olib borilyapti. O'tkazilayotgan uchrashuv va suhbatlarda har bir fuqaro o'z mahallasining osoyishtaligi uchun kurashishi, qonunbuzarlikning oldini olishda ko'maklashishi jinoyatchilikka barham berishda muhim ahamiyat kasb etishi uqti-rilmoqda.

Sodiq RAHIMOV,
o'z muxbirimiz.

Qashqadaryo viloyati.



▶ OGOHLIK QO'NG'IROG'I

EHTIYOT BO'LING: RULDA O'SMIR!



Aholining turmush farovonligi oshgani sari avtomashinalar soni ham keskin ko'payayotgani bor gap. Hatto ayrim oilalarda to'y-hashamlarga alohida, kundalik turmush zarurati uchun alohida avtomobildan foydalanish odat tusiga aylanayotgani sir emas. Ammo ba'zi otalarning voyaga yetmagan, haydovchilik huquqiga ega bo'lmagan, yo'l harakati qoidalarini bilmaydigan bolalariga avtomashinalarini ishonib topshirishlari ko'pchilikni ranjityapti. Ayniqsa, ularning mashinalarni ruxsatsiz ko'chaga haydab chiqib ayanchli avtohalokatlar sodir etishayotgani juda yam achinarli.



O'tgan yili Mirzaobod tumanida yashovchi ota o'z farzandining «qotili»ga aylandi, desak, xato bo'lmaydi. U hali maktab o'quvchisi bo'lgan farzandiga o'z mashinasini haydashga berib yuborgan. Natijada avtohalokat natijasida 8 yoshli bola dunyodan ko'z yumgan.

Sirdaryo viloyatida o'tgan yili voyaga yetmaganlar tomonidan avtotransport vositalari noqonuniy boshqarilishi oqibatida 6 ta yo'l-transport hodisasi sodir etilgan. Ularning ikkitasida og'ir tan jarohati olgan 3 nafar shaxs vafot etgan. Afsuski, joriy yilning o'tgan davrida ham uchta holatda voyaga yetmaganlar tomonidan avtomobil boshqarilishi aniqlangan. Xo'sh, bunday salbiy holatlarning ildizi qayerda?

Guliston tumanida ro'y bergan avtohalokat ham xuddi shunday ayanchli. Voyaga yetmagan shaxs otasiga tegishli avtomobilni boshqarishi natijasida boshqaruvni yo'qotib «Do'stlik» kanaliga tushib ketadi. Natijada voyaga yetmagan Hasan-Husan ismli o'quvchilar bevaqt halok bo'lgan.

– Ota-onalarning voyaga yetmagan farzandlariga avtomobil rulini ishonib berib yuborishi juda achinarli hol, – deydi viloyat IIB YHXB boshlig'i, podpolkovnik Sherzod Abdunazarov. – Ayniqsa bayram, to'y-hasham va boshqa tadbirlar vaqtida mana shunday holatlar ko'p uchraydi. Bunday paytda bolalar va o'smirlar o'zini o'rtoqlariga ko'rsatmoqchi bo'ladi. Bu bolalarga xos xohish esa ko'pgina holatlarda fojiali tugayapti.

Sirdaryo viloyati IIB YHXB inspektorlari tomonidan joriy yilning o'tgan davrida mana shunday salbiy holatlarning oldini olish bo'yicha yuzdan ortiq tashviqot-targ'ibot ishlari olib borilgan. Lekin shunga qaramay 3 ta holatda o'smirlarning rul boshqargani aniqlanib, har bir holat yuzasidan tegishli jazo choralari ko'rilgan.

Xullas, farzandlarini erkalab suyardigan, ularning barcha istaklarini ro'yobga chiqarishga urinadigan ayrim ota-onalar qonunga rioya qilishsa va dilbandlariga mashina rulini berishmasa maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Abdurahmon MUSTAFOQULOV,
o'z muxbrimiz.

Sirdaryo viloyati.

Mulohaza

VAQTNING HAM UVOLI BOR

Yurtimizda ayni yoz fasli. Pishiqchilik, to'kin-sochinlikda yashayapmiz. Bozorga borasizmi, do'konga kirasizmi, serobchilikni, mo'l-ko'lchilikni ko'rib ko'zingiz quvonadi.



Nazarimda, ayrim yurtdoshlarimiz buning qadriga yetmay, tejamkorlikni unutib qo'yayotganday. Natijada isrofgarchilik, ya'ni ortiqcha sarf-xarajatga yo'l qo'yishyapti. To'y-ma'arakalarda, mehmondorchiliklarda bu yaqqol ko'zga tashlanadi. Aslini olganda, hoy-u havasning ketidan quvib, kredit hisobiga ortiqcha xaridlar qilish ham shu siraga kiradi. Natijada qarzga botib, to'lashga qiynalayotganlar qancha.

Shu haqda o'ylaganimda, beixtiyor bolaligim yodimga tushadi. Oilada besh farzand edik. Ota-onamiz bizlarni oq yuvib, oq tarab, hech narsaga zoriqtirmay voyaga yetkazishgan. Har doim ro'zg'orimiz but bo'lardi, qora qozonimiz qaynardi. Uyimizga tez-tez mehmon kelardi. Lekin otam hech kimdan qarz olmaganlar. Chunki topgan pullarini tejab-tergab sarflashardi.

Isrofgarchilikni faqat pul yoki moddiy boyliklar bilan bog'lash ham to'g'ri emas. Masalan, elektr energiyasidan xo'jasizlarcha foydalanish, me'yori-dan ortiqcha ovqat tayyorlab, non xarid qilib, keyin ayniganlarini chiqindixonalarga tashlash ham isrofgarchilik. Oddiygina ichimlik suvini tejab-tergab ishlatamizmi? Afsuski, yo'q. Vaholanki, dunyoning qanchalab mamlakatlarida odamlar toza ichimlik suviga zor.

Xuddi kechagidek yodimda, bolaligim kechgan hovli oldidan ariq oqib o'tardi. Bizlar onamiz yopgan issiq kulchani unga oqizoq qilib yerdik. Chanqaganimizda shu ariq suvidan ichardik. Hozir uning o'rni ham qolmagan, ko'milib ketgan. Bugungi kunda Toshkentda barmoq bilan sanarli ariq qolgan bo'lsa kerak. Ularning suvidan ichish tugul, qo'l chayishga ham cho'chidi kishi. Ahvol shu tarzda davom etaversa, kelajak avlod yuziga qanday qaraymiz?

Qolaversa, vaqtning ham uvoli bor. Foydasiz suhbatlarga soatlab vaqt sarflashdan, bekorchilikdan tiyilish kerak. Keragidan ortiq xaridlar moliyaviy muammolarni keltirib chiqarsa, vaqtning qadriga yetmaslik xodimning ham, uy bekasining ham ish samaradorligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Bejiz dono xalqimiz: «Bekor o'tirgandan, bekor ishla», «Bekor chidan Xudo bezor», «Vaqtning ketdi – naqding ketdi» demagan. Umr – g'animat. Uning har bir kunidan, soatidan, hatto daqiqasidan unumli foydalanib, xayrli ishlarga sarflashimiz lozim.

Isrofgarchilikka qarshi kurashishimiz uchun eng avvalo o'z iste'molimizni nazorat qila olishimiz kerak. Masalan, biror buyumni xarid qilishdan oldin o'zimizga: «Shu narsa men uchun hayotiy zaruratmi?» – deb savol beraylik. Ortiqcha elektr chiroqlarini yoqib qo'ymaylik. Suvdan tejamkorlik bilan foydalanaylik. Vaqtimizning qadriga yetaylik. Xullas, isrofning uvoli borligini unutmaylik.

Go'zal JAFAROVA,
o'z muxbirimiz.

Молодежь — наше будущее

О положительных результатах можно судить, в частности, на примере махалли Шодлик. Инспектор профилактики лейтенант Шохжахон Рахмоналиев совместно с представителями «махаллинской семерки» провел подворовой обход. В ходе встреч с жителями он информировал о мерах поддержки предпринимательства. Это вызвало живой отклик: махалля, где проживают более двух тысяч человек, оживилась, началось активное развитие таких направлений, как птицеводство, рыбоводство, животноводство и тепличное хозяйство.

Конечно, не обошлось без трудностей. Урожай требует усилий и современных технологий. В ряде теплиц, например, из-за ошибок в агротехнике рассада не прижилась. Однако владельцы учли недочеты, сделали выводы и продолжили работу.

Яркий пример трудолюбия и настойчивости — аксакал Турсунбой Арипов, заслуженный виноградарь. На 80 сотках земли он выращивает сорта винограда «Ризамат» и «Хусайни». После визита Президента в район

ВЕКТОР ПРЕОБРАЗОВАНИЙ

Минувший год стал отправной точкой для масштабных преобразований в Сайхунабадском районе. В ходе визита Президент республики определил комплекс мер по укреплению экономического потенциала региона и улучшению условий жизни сельчан. В рамках исполнения этих задач ведется целенаправленная работа.



На снимке: молодые сотрудники ОВД Сайхунабадского района. В первом ряду лейтенанты Отабек Журабеков (первый слева) и Элдор Бошмонов обсуждают пункты плана работы.

дело аксакала получило новый импульс: по инициативе инспектора профилактики были решены вопросы, связанные с поливом, удобрениями и приобретением техники. Десятки молодых людей

стали его учениками. Опыт Турсунбоя Арипова, стабильно собирающего до 10 тонн винограда, вдохновил других: в махалле появилось еще 6 новых виноградников, а порядка двух десятков молодых

людей обрели стабильную занятость. Это, в свою очередь, способствовало укреплению правопорядка. Так, в прошлом году в махалле не совершено ни одного преступления, и она вошла в число

благополучных территорий района.

Большое внимание уделяется организации досуга молодежи. По инициативе РОВД и в соответствии с задачами, поставленными УВД области, район стал одним из лидеров по вовлечению молодежи в спорт. Созданы несколько волейбольных команд, районная спортивная школа стала базой для формирования женской сборной области.

— Без поддержки областного УВД и районного ОВД успехов достичь было бы невозможно, — подчеркивает тренер женской сборной области по волейболу Боир Мамуров. — Число занимающихся значительно возросло. Только в Сайхунабаде волейболом увлечены более тысячи юношей и девушек.

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ,
соб. корр.

Сырдарьинская область.

Аспект профилактики

НЕ ПРЕСТУПИТЬ ЧЕРТУ

С начала года в Самаркандской области зарегистрировано 29 преступлений, совершенных женщинами. Это на 21 процент меньше по сравнению с аналогичным периодом прошлого года. Несмотря на снижение показателей, анализ ситуации свидетельствует о наличии ряда проблем, требующих системного подхода со стороны правоохранительных органов.

По словам заместителя начальника Управления профилактики правонарушений УВД области подполковника Нигоры Ёдгоровой, наибольшая доля среди женских преступлений приходится на кражи. В прошлом году преобладало мошенничество, однако сейчас кражи увеличились вдвое и составляют почти 40 процентов от общего количества деяний, совершенных женщинами. Преимущественно они совершаются в городах. Причем нередко ими занимаются женщины, уже ранее привлекавшиеся к ответственности.

Второе место по распространенности занимает мошенничество, замыкает тройку — умышленное легкое телесное повреждение.

— Анализ показывает, что женская преступность наиболее выражена в городских населенных пунктах. Далее следуют Джамбайский и Иштыханский районы, — сообщила

подполковник. — Отмечается также рост правонарушений со стороны жительниц Ургутского, Кошрабадского и Пахтачийского районов.

Наиболее частыми их причинами становятся сложность самореализации, безработица.

С целью профилактики женской преступности инспекторы совместно с представителями махаллинских сходов граждан проводят адресную работу с населением. В ходе подворовых обходов выявлено более 7 тысяч проблемных ситуаций и 1 375 семей, находящихся на грани развода. Каждой семье была оказана соответствующая помощь.

Особое внимание уделяется защите жертв насилия. С начала года выдан 1 261 охранный ордер.

Замира БАЛТАЕВА,
соб. корр.

Самаркандская область.



CHEMPIONNING ONASI

HAR NE ISTARSEN, O'ZINGDIN ISTAG'IL

Bolaning iqtidorini ko'rish uchun mutaxassis bo'lish shart emas. Ota-onalar ham farzandlarining qobiliyatlarini mustaqil ravishda aniqlashi va hatto to'g'ri yo'naltirib, rivojlantirishi mumkin.

Lavhamiz qahramoni Nozima Umarova 33 yoshda. U bo'shang, uyatchan, nozik-fe'l, odamovi bo'lgani uchun tengqurlariga qo'shila olmasdi. Bolalarcha sho'xlik, erkalik yo'q edi unda. Bir chekkada turib, ularni kuzatib turaverardi.

– Nozimani maktab ham o'zgartirilmadi, qaytanga o'ziga nisbatan ishonchi borgan sari yo'qolib borardi. Darslarga qiziqmas, o'qishni xohlamasdi, – deydi onasi Feruzaxon. – O'g'lim sport to'garagiga qatnardi. Bir kuni qizim akasi-ning sport kiyimlarini zavq-la tomosha qilayotganiga ko'zim tushib qoldi. «Nozima, sen ham akang bilan birga sportga qatnashasanmi?» deb so'rasam, ko'zlari porlab ketdi.

Ertasi kuniyoq ona qizini yetaklab, o'g'lining murabbiysi Bahridin Luqmonovga olib boradi va holatni tushuntirib, gapining oxirida: «Menga chempion kerak emas, o'ziga ishongan, irodali, o'zini himoya qila oladigan qiz tarbiyalab bersangiz bo'ldi», deydi. Murabbiy hali hammasi yaxshi bo'lishiga ishonirib, onani xotirjam qiladi.

Nozima o'z ustida ishlashdan charchamadi. Tinimsiz mashg'ulotlar, ustozining sa'y-harakatlari o'z mevasini ko'rsata boshladi. Lavhamiz qahramoni asta-sekin musobaqalarda ishtirok etib, faxrli o'rinlarni qo'lga kiritib boshladi. Sportga shu darajada qiziqishi yuqori ediki, mag'lubiyat ham, g'alaba ham Nozimaga birdek kuch, shijoat va keyingi janglar uchun ishtiyoq berardi. Hatto yelkasidan olgan og'ir jarohat ham uni sportdan uzoqlashtira olmadi...

Tinimsiz mehnatlari tufayli mahoratini oshirib borgan Nozima Umarova qo'l jangi bo'yicha Osiyo chempionatida 2 marotaba, Yevropa chempionatida



1 marotaba shohsupaga ko'tarilgan bo'lsa, jahon chempionatida 2 marotaba, jahon kubogida 3 marotaba g'alabani qo'lga kiritdi. Qahramonimiz yutuqlari ortidan IIV Akademiyasiga imtiyozli ravishda o'qishga qabul qilindi.

– Bir kuni oshxonada kuylanib yursam, ota-qiz nimta-bassum bilan qo'llarida qo'g'oz ko'tarib kirib kelishdi, – deydi onasi. – Qizing Ichki

ishlar vazirligining Maxsus bo'linmasiga ishga kirmoqchi ekan, hamma imtihonlardan muvaffaqiyatli o'tibdi, bizning roziligimiz kerak ekan, xolos», degandi, joyimda taxtadek qotib qoldim. Chunki otasi aynan shu xizmatda uzoq yillar ishlagan, kasb mashqatini butun oilamiz yaxshi bilamiz. Buning ustiga, qiz bolaga bu yo'nalish qanchalar to'g'ri keladi... Boshim aylanib, o'tirib qoldim. Ochig'i, otasidan xafa bo'ldim ruxsat bergani uchun. U kishi esa: «Bo'ldi, endi kech. Buyruq chiqib bo'ldi, ertadan ish», dedi bamaylixtir. Noiloj ko'ndim...

Bugun Namangan viloyati IIB Tezkor vazifalarni bajaruvchi safarbar otryadi katta mutaxassisi, katta serjant Nozima Umarova ishdan tashqari vaqtlarda Namangan shahridagi Barkamol avlod sport majmuasida ham mashg'ulotlar olib boradi, ham yoshlarga sport sirlarini o'rgatib keladi.



– Uchala farzandimdan ham faxrlanaman, jamiyatda yuzimizni yorug' qilishga intilib, tinmay o'z ustida ishlashadi, – deydi lavhamiz qahramonining onasi. – Sog'lig'im sababli to'rt marotaba operatsiya bo'ldim, hamma bolalarim doim yonimda parvona. Men bolalarimning orzulari, maqsadlari sari dadil qadam tashlayotganlarini ko'rib, muvaffaqiyatlaridan sevindim, tushunishga harakat qildim, qo'llab-quvvatladim.

– Otam iste'fodagi podpolkovnik Imomali Umarov uzoq yillar ichki ishlar organi tizimida ishlagan, hozirgi kunda pensiyada. Bolaligimdan otam men uchun qahramon edi, – deydi katta serjant Nozima Umarova. – Xizmat faoliyati tufayli uyga 15–20 kunlab ham kelmagan paytlari bo'lardi.

Sog'inib kutardik. Sariosiyo, Andijon, Angren voqealarida qatnashib, Vatanimiz tinchligiga o'zining munosib hissasini qo'shgan. Bugungi kunda otamning ko'ksini II darajali «Shonsharaf» va «Mardlik» ordenlari hamda «Jasorat» medali bezab turibdi.

Onam haqida ham gapirmasam bo'lmaydi. Iqtidorimni to'g'ri yo'naltirgan va doim qo'llab-quvvatlab, kuch bag'ishlab turgan aynan onajonim bo'ladi. Bir gapni ko'p aytardi: kuchsizlar yarim yo'lda qoladi, kuchlilar oxirigacha olg'a boradi! Bu so'zlar men yiqilsam, yana qayta tik turishimga da'vat edi go'yo.

Ota-onamdan cheksiz minnatdorman. Ular bilan faxrlanaman.

Maqolaga nuqta qo'yarkanman, hazrat Navoiy bobomizning «Har ne istarsen, o'zingdin istag'il» satrlari yodimga tushdi. Darhaqiqat, katta serjant Nozima Umarova ham o'z xayollari haqiqatini o'zidan istadi va topdi.

Adolat FAYZIYEVA,
o'z muxbirimiz.

Namangan viloyati.

TEST

JAHL KELSA, AQL QOCHAR...

Jahldorlik tabiatimizda uchrab turadigan va ba'zan yaqin kishilarimizni ranjitib qo'yishga olib keladigan odatdir. Agar bu qusur ha-yotingizda qanday o'rin tutishini bilmoqchi bo'lsangiz, quyida taqdim etilayotgan test savollariga javob qaytaring. To'plangan ballarga qarab o'zingizni, aniqrog'i, asablaringizni tekshirib ko'rish imkoniyatiga ega bo'lasiz.

1. Siz sabr-qanoatlimisiz?

☐ ha; ☐ yo'q.

2. Mantiq hayotda yetakchi kuch ekanligiga ishonasizmi?

☐ ha; ☐ yo'q.

3. Agar kimdandir norozi bo'lsangiz janjal qilishdan o'zingizni tiya olasizmi?

☐ ha; ☐ yo'q.

4. Odamlarga yomonlik qilishga moyilmisiz?

☐ ha; ☐ yo'q.

5. Tevarak-atrofdagilarning qaysidir fazilatingizga havasi kelyapti, deb hisoblaysizmi?

☐ ha; ☐ yo'q.

6. Vaziyat taqozo etganda qo'pollik qilasizmi?

☐ ha; ☐ yo'q.

7. Detektiv kitoblar o'qishni, jangari va dahshatli filmlarni tomosha qilishni yoqtirasizmi?

☐ ha; ☐ yo'q.

8. Birovlarni kamsitish, ular ustidan kulish odatingiz bor deb o'ylaysizmi?

☐ ha; ☐ yo'q.

9. Hayotda siz umuman yoqtirmaydigan kishi bormi?

☐ ha; ☐ yo'q.

10. Tevarak-atrofdagilar uchun yoqimsiz bo'lib borayotganingizni his etasizmi?

☐ ha; ☐ yo'q.

11. Bolalaringizga nisbatan qattiqqo'lmisiz?

☐ ha; ☐ yo'q.

12. Alamzadalik odatingiz bormi?

☐ ha; ☐ yo'q.

13. Biror buyumni jahl bilan urib sindirish darajasida g'azabga tushasizmi?

☐ ha; ☐ yo'q.

Endi to'plangan ballarni hisoblab chiqing. Har bir «ha» javobi 5, «yo'q» esa 0 ball bilan baholanadi.

65-25 ball

Siz tevarak-atrofdagilarga nisbatan jahldorsiz va o'z ustingizda nazoratni yo'qotgansiz. Siz bildirgan fikr-mulohazalar vaqti kelganda o'zgalarni ranjitishi mumkinligini ko'rsatib turibdi. Haqiqatni odamlarga yetkaza olmasligingiz johilligingizdan dalolat berishini tasavvur ham etmaysiz. Tanishlar va yaqinlaringiz bilan ovozengizni baland ko'tarib, mensimay gaplashayotganingiz ularda sizga nisbatan salbiy fikrlarni yuzaga keltirishini bir o'ylab ko'ring. Balki tabiatigizdagi bu qusurdan o'zingizda kulgi, hazil-mutoyibaga moyillik tug'dirgan holda xalos bo'lishga muvaffaq bo'larsiz.

24-0 ball

Siz sofdil va tevarak-atrofdagilarga mehribon odamlar toifasiga mansubsiz. Insonlardagi ijobiy fazilatlarni qadrlab, jamiyat taraqqiyotida muhim bo'lgan ma'naviy boylik, sevgi, haqiqatga ishonasiz. To'g'ri, sizga maqsad yo'lida bajarilayotgan ishga o'zgalarni osonlikcha jalb etish xislati berilgan. O'z ehtirolaringizni jilovlay olishingiz tevarak-atrofdagilar xohishiga tez bo'ysunishingizga olib keladi. Shu bois, ko'p hollarda birovlar jahldorligining nishoni bo'lib qolasiz. Yelkangizga minib olishlariga aslo yo'l qo'ymang!

Farhod AHMEDOV,
podpolkovnik.



AMIRNING «OQSAROY»I

yoxud oymonand yulduzlar saroyi haqida

«Sitorai Mohi Xosa» saroyi Buxorodagi mang'itlar sulolasining uch avlodiga mansubdir. Dastlabki binolar Nasrulloxon (1826–1860) va Muzaffarxon (1860–1885) hukmronligi davrida qurilgan. Abdulahadxon hukmronligi davri (1885–1910)da saroy hamda xushmanzara bog' barpo etilgan. Amir Olimxon hukmronligi davri (1910–1920)da esa yangi saroy qad rostlagan. Sitorai Mohi Xosa maydoni 6,7 gektar bo'lib, eski saroy, g'isht to'shalgan 3 hovli va ko'pgina xonalardan iborat. Bu yerdagi amir Muzaffarxon mehmonxonasi keng, baland zali, ikki tomondagi boloxonali ayvonlari, yevropacha eshik va derazalari bilan ajralib turadi. Uch qismga bo'lingan murabba tarhli xonani tashkil etuvchi Abdulahadxon xonasi bir-biriga qarama-qarshi joylashtirilgan va bir xilda bezatilgan ikki zal o'rtasidagi baland supa orqali birlashtirilgan. Supaning g'arb tomoniga shohnishin taxt qo'yilgan. Eski saroy sharqidagi amir Olimxonning bosh qarorgohi

Binoga kiraverishda G'ozg'on marmaridan ishlangan sher haykallari bor. Amir qabulxonasi dahlizi devorlari ganchdan naqshdor qilib bezatilgan. Oqsaroy ichkarisi Sharqning jimjimador nafis naqshlari, jozibador gullari bilan uyg'unlashgan. Devorning ko'zgulardan iborat bo'lishi va gulganchdan ishlangan bezaklarning ko'zni qamashtiradigan darajada oq-ligi xonani ko'rkam qilib ko'rsatadi.

Oqsaroy ikki yil mobaynida Usta Shirin Murodov boshchiligidagi qurilib, pardoziqlangan. Yangi saroy rus muhandislari rahbarligida tiklangan. Qabulxona Yevropa uslubida biridan ikkinchisiga o'tiladigan qilib qator joylashtirilgan. Yangi saroyning kiraverishi boqqa tutashgan. Bog'ning shimol qismida haram joylashgan. Shuningdek, g'arbida haram xizmatkorlari uchun kichik hovli bor. Ha-



da yashagan. 1711-yil Ubaydulla-xon o'limidan keyin Buxoro xonligi taxtiga 10 yoshlar atrofida Abdulqayyom o'tirgan. Ashtarxoniylar sulolasining amaldagi so'nggi hukmdori bo'lgan mana shu shahzoda Sitorai Mohi Xosa xonimning o'g'li edi.

Yana bir tarixiy dalil. Sitorai Mohi Xosa saroyining sohiblari Amir Abdulahad ma'rifat olami malikasining yettinchi, Amir Olimxon esa sakkizinchi avlodi hisoblanadi. Ya'ni, u nasl-nasabda Amir Olimxon (1910–1920) ibn Amir Abdulahad (1885–1910) ibn Amir Muzaffar (1860–1885) ibn Amir Nasrullo (1827–1860) ibn Amir Haydar (1800–1826) ibn Shamsiyabonu binti Abdumominxon ibn Abulfayyxon ibn Oyposhsho bibi (Sitorai Mohi) ko'rinishida Sitorai Mohi Xosa xonimga borib ulanadi. Demak, Amir Olimxon o'z yozgi saroyi nomini o'tmishdagi ma'rifatpar momokaloni nomi bilan atagan. Shuningdek, XIX asrdagi mang'it hukmdorlari hayoti bilan bog'liq ba'zi marosimlarning Boloyi hovuzda o'tkazilishi ham, balki shundan dalolatdir.

Boshqa bir rivoyatda naql qilinishicha, Buxoro hukmdori amir Muzaffarxon (1826–1868) bog'ga bu nomni suyuqli rafiqasi Sitorabonu sharafiga qo'ygan emish. Malika shunchalik go'zal bo'lgan ekanki, hatto osmondagi to'lin oy ham uxlab yotgan sohibjamolga hasad bilan boqar emish. Afsuski, malika uzoq umr ko'rmay, podshohga bir o'g'il tug'ib bergach, vafot etibdi. Shundan keyin ayol zotiga qayrilib qaramagan Muzaffarxon yulduzdek yonib ketgan rafiqasi sharafiga

go'zal bir bog' yaratish va unga Sitorai Mohi Xosa, ya'ni oymonand yulduzlar saroyi nomini qo'yishga azm qilibdi.

O'sha davrda saroy uchun joy tanlashning ham o'zi bo'lmagan. Hukmdor barcha donishmandlarni huzuriga chorlab, bo'lajak qasr uchun jazirama yozda salqin, qahraton qishda esa issiq bir joyni tanlashni buyuribdi. Ular bunday joyni aniqlash uchun Buxoro Sharifning jahonning to'rt tomoniga qaratilgan to'rt darvozasida bittadan qo'yni so'yib osishni maslahat berishibdi. Samarqand darvozasiga osilgan qo'yni go'shti hammadan keyin buzilgani uchun amir hazratlari qasrni shu darvozadan to'rt chaqirim tashqarida qurishga farmoyish beribdi.

Bular shunchaki bir rivoyatlar. Amalda esa yuqorida aytganimizdek, Sitorai Mohi Xosa qurilishini Muzaffarxonning otasi Nasrulloxon boshlagan. Biroq qadimshunos olimlar bu joylarning mang'it hukmdorlaridan ancha oldin ham jannatmakon bog' bo'lganligini taxmin qilishgan. Asosiy ishlar XX asrning boshida mang'itlar sulolasining so'nggi hukmdori Said Olimxon davrida olib borilgan.

Shunday qilib, amir Olimxon yozgi qarorgohni qurib tugatgach, shu yerda muqim yashab, davlatni boshqarish yumushlarini ham shu yerda bajargan. Chunki bu yerda xalqaro andazalarga mos sharoitlar yaratilgan edi.

Qisqasi, Sitorai Mohi Xosa saroyi Sharq me'morchilik san'atining XX asr boshidagi namunasi sifatida olamga mashhurdir. Undagi xalq amaliy san'ati namunalari qo'yilgan ko'rgazmalarni mahalliy va xorijiy sayyohlar maroq bilan tomosha qilishmoqda.

Mirzoqul AHADOV tayyorladi.
Buxoro viloyati.



–yangi saroyga ravoqli muhtasham darvoza o'rnatilgan.

Darvoza ustidagi ravoq O'rta Osiyo binolariga xos bo'lmagan shaklda ishlangan, yon qismlari sirlangan, to'q qizil, ko'k, gunafsha va havo rang koshin bilan qoplangan. An'anaviy sirkori parchinlar bilan birga, Rossiyadan keltirilgan kafel qoplamalari (koshin)dan ham foydalanilgan. Darvozaning tepa qismiga ganchdan guldor shaklidagi bezaklar ishlangan. Yog'ochdan qilingan ikki tabaqali darvozaga milliy naqshlar o'yilgan va mis guldor bilan mustahkamlanib, nafis guldor zulfan ko'rk bag'ishlab turibdi. Darvozaxonadan tashqi hovliga o'tiladi.

Hovlining 3 tomoni ayvon bo'lib, darvozadan kirishda o'ng qo'lda kichkina favvora bor. Katta ayvon hovlining shimol tomonida, g'arb tomonida oqsaroy, janub tomonida esa oynavand ayvon, kutish xonasi va amirning qabulxonasi joylashgan.

ram 2 qavatli va yarim doira shaklida qurilgan. Mahalliy me'morlik an'analari o'zida saqlab qolgan. Bog'ning qoq o'rtasida 8 xonali ko'shk bor. Uning xonalari 8 qirrali qilib qurilgan mehmonxona atrofida joylashgan. Oshxonaning devorlari tilla va kumush suvi yugurtirib bezatilgan. Ko'shkning janubida to'g'ri burchakli devori tokchali katta xona bo'lgan. Qolgan boshqa xonalar yotoqxona va xizmatkorlar uchun mo'ljallangan. Bog'ning janubida ikki qavatli masjid, katta hovuz qurilgan (1917–1918). Hovuz kulrang G'ozg'on marmari bilan qoplangan. Binoning ichida uzun yo'lak bo'lib, xonalari faqat bir tomondan shamollatilgan.

Sitorai Mohi Xosa xonim tarixiy manbalarda «Davron Xadichasi», «Zamon Bilqisi», «Bibi Oyposhsho» nomlari bilan ham atalgan. Otasi Xoja Mir Abdulloh bo'lib, u ashtarxoni Abdulazizxon (1645–1681) va Subhonqulixon (1681–1702) davri-



МАДАНИЙ ҲОРДИҚ

ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИНИНГ ЖОЗИБАСИ

Фарғона вилояти ички ишлар органларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимлар ва уларнинг оила аъзолари Наманган шаҳри марказидаги Бобур боғида ўтказилаётган 64-Халқаро гуллар фестивалида бевосита иштирок этишди. Фестивал доирасида ташкил қилинган кўргазмалар, гул этиштириш ва ландшафт дизайни бўйича маҳорат дарслари, фольклор ансамбллари ва ўзбек эстрадаси юлдузларининг чиқишлари, миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати асарлари намойиши иштирокчиларнинг кайфиятини кўтариб, бир олам завқ улашди.

– Аёл киши табиатан гулларни яхши кўради. Мен ҳам ушбу халқаро фестивалдан жуда завқ

олдим. Турфа гулларнинг жозибасини кўриб, чарчоқларим тарқалиб кетди, – дейди Қувасой шаҳар ИИБ ЖХХ ҚПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, майор Гулшода Ўктамова.

Ўз мухбиримиз.



ОДАМ САВДОСИ – ОЛАМ МУАММОСИ

КЎНГЛИНИ ҚУРУМ БОСТАНЛАР

«Ҳаёт гўёки ўрмон, унда фақат йиртқичлар яхши яшайди». Бадий фильм қаҳрамони томонидан айтилган бу гап Маъмурага (исм ўзгартирилди) ёқиб тушди. Ўйлаб кўрса, мазкур жумла қайсидир маънода унинг турмуш тарзини ифодалар экан. Бинобарин, бўридек ҳаёт кечиряпти, бойлик тўплаш, ўлжани қўлга киритиш илинжида ҳар қандай пасткашликдан қайтмайди, ҳеч кимни аямайди.

Айни шу феъли туфайли турмуш ўртоғи билан ажрашди. Икки фарзанди бор, уларнинг тарбиясига айтарли вақт ажратмасан, норасидаларини гуноҳу айбларининг қалқонига айлантирган: «Нима қилаётган бўлсам, шулар учун қиялман. Бошимда эрим бўлмасан...».

Қисқаси, оиласи бузилгач, Маъмура Россияга ишлаш баҳонасида кетиб, фоҳишалик қила бошлади. Кўп ўтмай бебош аёлнинг қилмишлари тўғрисидаги гап-сўзлар у туғилиб ўсган Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош шаҳарчасига етиб келди. Шу боис маҳалласи томон шошавермайди, қайтса ҳам таниш-билишлари билан юзлашмасликка ҳаракат қилади.

Чунки ким билан гаплашмасин, улар кўзида ачиниш ёхуд нафратни сезади. Фақат ўзи каби кўнглини қурум босганлар орасидагина хотиржам тортади. Тўғриси айтганда, теварақдагиларнинг фикрига тупуриб қўйган. Гийбат қилавериш-

син, бу гаплардан унга на фойда, на зарар бор. Аммо баъзида ўзини атрофидагилар билан солиштирса, юраги ғазаб ва аламга тўлади. Кейин қалбини чирмаган маҳзунликни, безовталиқни

яхши биладиган «касби»дан узоқлашмасликка, яъни одам савдоси ва қўшмачилик билан шуғулланишга қарор қилди. Содда ёки йўлидан адашганларни мўмай пул топишларига ишонтириб, хорижга йўллайди.

Буни эплаши тайин, муғомбирлик кўлидан келади. Қолаверса, одам савдосига алоқадор танишлари бор. Ўз «иш»ини очаман деса, улар ёрдам беришади. Фақат муайян улуш эвазига. Қисқаси, Ўзбекистонга қайтиб, ижтимоий тармоқ орқали хорижда ишлашга

қилди. Улар Самарқанд шаҳридаги аэропортда учрашишга келишиб олдилар. Маъмура жиний қилмиши охири-оқибат панжара ортига етаклашини яхши билгани учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари диққатини тортмасликка ҳаракат қилди. Хусусан, Н.М. билан охириги дақиқаларгача юзма-юз кўришмади.

Бироқ Маъмуранинг телеграм гуруҳларида одам ёллашга оид ёзишмаларидан ички ишлар органлари ходимлари бошданок хабар топиб, уни кузатувга олишганди. Натижада Жиззах вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ УЖҚБ одам савдосига қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили, майор Мурод Низомов бошчилигидаги тезкор гуруҳ Самарқанд шаҳридаги аэропорт ҳудудида гумон қилинувчини қўлга олди.

Мазкур жараёнда аёллардан авиачипта ва хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинди. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган суриштирувлар давомида Маъмура Жиззах шаҳрининг «Кимёгар» маҳалласида истиқомат қилувчи С.Ж.ни ҳам хорижга фоҳишалик қилиш учун жўнатмоқчи бўлгани аниқланди.

Гумон қилинувчи дастлаб айбларидан тонди. Лекин тўпланган ашёвий далиллар ва гувоҳларнинг кўрсат-

малари қаршисида ожиз қолди. Энди миллатдошларини сотмоқчи бўлган кимса қилмишига яраша жазосини олади.

Бўлинма ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ушбу тоифадаги 6 та жиноят фош қилинган. Улар профилактик тадбирларни амалга оширишда ҳам фаоллик кўрсатяпти. Жумладан, одам савдосига қарши курашиш ва меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссия қошидаги тарғибот гуруҳи таркибида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда темирйўл бекатларида 100 дан ортиқ мулоқотлар ўтказилган.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда чиқишлар ташкил этилаётир. Нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда 4 нафар одам савдоси қурбонига ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тикув ускуналари ажратилди.

Қолаверса, муқаддам одам савдоси жиноятини содир этган шахслар билан ҳам профилактик суҳбатлар ўтказилляпти. Туғуруқхоналар ҳам эътибор марказида. Яъни, бу ердан далолатнома асосида олиб чиқилган чақалоқларнинг оилалари назоратга олинган. Хуллас, инсонни худди буюмдек пулламоқчи бўлганларнинг пайи қирқилаётир.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
Ўз мухбиримиз.
Жиззах вилояти.



ароққа чўктирмоққа, тамаки тутуни пардаси ортига беркитмоққа интилади.

Маъмура охириги пайтларда келажаги ҳақида ўйлаб, ташвишга туша бошлади. Зеро, тез орада уни аёллик ҳусни тарк этади. Кейин нима қилади? Ҳалол меҳнат қилишга бўйни ёр бермасе керак. Шу боис ўзи

қизиқаётган аёлларни суриштира бошлади.

У Шароф Рашидов тумани «Гандумтош» маҳалласида яшовчи Н.М.ни кўнига 300–400 АҚШ доллари топишига ишонтириб, авраи бошлади. Узоқ сафар харажатларини ҳам бўйнига олди. Н.М. рози бўлгач, самолётга чипта буюртма



SALOMATLIK SABOQLARI

QATIQ ISTE'MOLI
UCHUN 10 SABAB

Qatiq A, E va B guruhi vitaminlari, kalsiy, magniy, fosfor va zarur aminokislotalarga boy bo'lib, inson organizmi uchun ko'pgina foydali xususiyatlarga ega. IIV Markaziy poliklinikasi shaxobcha shifokori Umida Saydaliyevaning tavsiyalari shu xususida.



Kariyes-dan forig' etadi. Probiotiklar antakarigen xususiyatga ega. Shuning uchun muntazam iste'mol qilingan qatiq kariyesga qarshi kurashishda tengsiz yordamchiga aylanishi mumkin. O'z samardorligiga ko'ra, u fluor bilan yuvish muolajasiga tenglasha oladi.

Ovqat hazm qilish yaxshiladi. Qatiq foydali bakteriyalar balansi tiklanishi va ovqat hazm qilish jarayoni me'yoriylashtirishiga yordam beradi. Natijada qabziyat, qorin dam bo'lishi yo'qoladi, bu esa vazn tashlashga xizmat qiladi. Qatiq sutga qaraganda oson o'zlashtiriladi, ichaklar mikroflorasini me'yorga soladi. Ushbu mahsulot ich buzilganida, shuningdek, antibiotiklar bilan davolanish kursidan so'ng ijobiy samara beradi.

Suyaklar yanada mustahkam bo'ladi. Tanani kerakli miqdorda kalsiy bilan ta'minlash suyaklar salomatligini yaxshilashning eng samarali usullaridan biridir. Qatiq mahsuloti suyak to'qimalarida kalsiy yuqori darajada va yaxshi o'zlashtirilishiga xizmat qiladi. Bu suyak zichligi ortishiga olib kelib, sinishlarning oldini olishga yordam beradi.

Allergiya va astma belgilari yo'qolishi mumkin. Qatiq ushbu kasalliklar bilan bog'liq yallig'lanish jarayonlarini to'xtatishi yoki sekinlashtirishi mumkin. Bu mahsulot allergik bronxial astmani davolash uchun yangi terapevtik imkoniyat bo'lishi mumkin. Ayni paytda bu borada o'rganishlar davom etmoqda.

Immunitetni oshiradi. Qadim zamonlardan qatiq biron kasallik bilan og'rig'an bemor va sog'lig'i zaif bolalarga bejiz buyurilmagan. U ichaklarni zararli mikroblar tushishidan himoya qilish xususiyatiga ega. Bundan tashqari, viruslar bilan kurashish uchun qonda himoyalovchi antitanachalar sintezini rag'batlantiradi.

Yurak-qon tomir tizimi mustahkamlanadi. Qatiq arterial qon bosimini tushirib, taxikardiyaning bartaraf etishga yordam beradi.

Shuningdek, ateroskleroz xavfini kamaytiradi va yurak-qon tomir tizimi bilan bog'liq boshqa ko'pgina muammolarni bartaraf etishda ijobiy natija beradi.

Kayfiyatni ko'taradi. Ushbu mahsulotni iste'mol qiladigan aksariyat odamlar nafaqat sog'lig'ining umumiy holati, balki kayfiyati ham yaxshilanganini his qilishadi. Bunga ilmiy asos bor: qatiq stress gormoni hisoblangan kortizol darajasi oshishini bartaraf etib, baxt gormoni va yaxshi kayfiyatning asosiy homiysi bo'lmish serotonin darajasini oshiradi. Bundan tashqari, u stress bilan bog'liq qorinda og'riq yuzaga kelishi kabi holatlarni va shamollash alomatlarini kamaytirish xususiyatiga ega.

Laktozaga ta'sirchanlik yo'qolishi mumkin. Chunki uning tarkibidagi bakteriyalar ushbu uglevodning ko'p qismini yo'q qiladi. Qatiqni muntazam iste'mol qilish natijasida vaqt o'tishi bilan laktozani o'zlashtirish yaxshilanib, unga bo'lgan ta'sirchanlik bartaraf bo'lishi mumkin.

Qonda qand miqdorini me'yoriylashtiradi. Bu mahsulot glyukoza ko'rsatkichlarini pasaytiradi. Demakki, muntazam qatiq ichish qandli diabetni davolashda ijobiy samara berishi mumkin.

Xolesterin ko'rsatkichlari pasayadi. Qatiq qonga «yomon xolesterin» so'rilishini kamaytirishga yordam beradi. Shuningdek, bu mahsulot tarkibida ichaklar uchun foydali bo'lgan yog' kislotalari mavjud.

Gulchehra AZIMOVA tayyorladi.

MING DARDGA
DAVO KO'KATLAR

BROKKOLI

Brokkoli katta gul boshi va poyasiga ega sabzavot. U ozuqaviy moddalarga, jumladan, C va K vitaminlariga nihoyatda boy. Ushbu ajoyib sabzavot kalsiy, foliy kislotasi va fosforning ajoyib manbaidir.



Brokkoli sulforafanga boy bo'lib, u sizning bakterial ichak florangizni yaxshilaydi hamda saraton va yurak-qon tomir kasalliklari xavfini kamaytiradi. Uning tarkibidagi sulforafan hatto autizm alomatlarini kamaytirishi mumkinligi isbotlangan.

KARAM

Karam kalsiy va A, B 9 (foliy kislotasi) va C vitaminlarining yaxshigina manbaidir. Boshqa yashil bargli sabzavotlar qatorida,



u K vitaminining eng yaxshi manbalaridan biridir. K vitamini qonning ivishida muhim rol o'ynaydi. Bundan tashqari, u suyakni mustahkamlashda ham katta ahamiyatga ega.

ISMALOQ

Isaloq mashhur yashil bargli sabzavot bo'lib, sho'rvalar, souslar, kokteyllar va salatlar kabi turli xil taomlarda keng qo'llaniladi. Uning ozuqaviy qiymati nihoyatda boy. Unda K vitamini, marganes, foliy kislotalari mavjud. Uning tarkibidagi foliy kislotasi qizil qon hujayralarini ishlab chiqarishda va homiladorlik paytida asab kasalliklarining oldini olishda muhim rol o'ynaydi.



Isaloq organizmning turli vitaminlar, foliy kislotasiga bo'lgan ehtiyojini qondirish uchun zarur muhim sabzavotdir.

Ulug'bek NODIROV,
Sirdaryo viloyati IIB
Tibbiyot bo'limi shifokori.



Tavsiyalarga amal qilishdan oldin shifokor bilan maslahatlashing.



ТЕРМИНЫ, КОТОРЫЕ ВАЖНО ЗНАТЬ

Развитие технологий, расширение сферы интернета, использование новых понятий при общении актуализируют знание современной терминологии цифровой среды.

Доксинг

Что это: незаконный сбор и распространение личной информации человека (адрес, номер телефона, место работы и т.д.) без его согласия.

Где встречается: в соцсетях, при конфликтах в интернете и т.д.

Сваттинг

Что это: ложный вызов спецслужб по адресу другого лица.

Почему опасно: такие случаи могут быть расценены как терроризм.

Фейк-диллер

Что это: человек или группа, распространяющие фальшивую информацию, в том числе с помощью ИИ и поддельных видео (дипфейков).

Почему опасно: распространяется ложная информация, ведущая к мошенничеству и т.д.

Груминг

Что это: установление доверительных отношений взрослым с ребенком в интернете с целью последующего насилия.

Где встречается: в играх, мессенджерах, чатах.

Флешмоб-угроза

Что это: опасные интернет-задания и «челленджи», к которым подключаются дети и подростки.

Опасность: в некоторых случаях могут использоваться для провокаций, организации нарушения общественного порядка.

Киберсталкинг

Что это: преследование человека в интернете – слежка за его действиями, угрозы, взлом аккаунтов.



Почему опасно: может перерасти в реальные угрозы.

Фейспарсинг

Что это: сбор биометрических данных человека (например, с фотографий) без его разрешения.

Где встречается: используется в мошеннических

искусственного интеллекта.

Почему опасно: используется для шантажа, дискредитации, провокаций.

Фрод-ферма

Что это: группа людей, создающая тысячи фейковых аккаунтов для обмана, рассылки спама или влияния на мнение людей.

Где встречается: в соцсетях, особенно во время информационных кампаний.

Знание данных терминов:

поможет лучше понимать поведение в интернете; даст возможность быстрее реагировать на новые угрозы;

повысит эффективность профилактической работы в онлайн-пространстве; улучшит взаимодействие с IT-экспертами и другими службами.

Современный сотрудник органов внутренних дел должен знать не только законы, но и понимать, как меняется среда, в которой совершаются правонарушения.

Подготовила
Юлия ЧАЙКИНА.



ских схемах и для создания фальшивых профилей.

Даркпул

Что это: скрытые интернет-платформы, где происходят нелегальные преступные сделки.

Доступ к ним есть у организованной преступности.

Дипфейк

Что это: поддельные видео и аудио, где лицо человека или его голос симитированы с помощью

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

(9 – 15 июнь)



Кўй. Ишда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам кўпроқ изланишда бўлинг, имкон қадар такомиллашиш ва ривожланиш сари интилинг. Ҳамкасблар орасидан муносиб дўстларни топиш асосий мақсадингиз бўлсин, шунда ишдаги кўпгина масалаларнинг ҳал этилиши муваффақиятли кечади.



Бузоқ. Бу давр расмий ишлар учун жуда қулайдир. Бироқ ўзингизни кўп уринтирманг. Яқин инсонларга ёрдамингиз керак бўлади. Ҳамма ишга сабр-тоқат билан ёндашинг, пайшанбага бориб сизни қийнаётган барча масалалар ўз ечимини топади.



Эгизаклар. Бу ҳафтада ижодий ишлар билан банд бўласиз. Бир талай тушунмовчилик ва кўнгилсизликлар ортда қолади. Ҳафтанинг биринчи ярми иккинчисига қараганда хотиржам кечади. Дам олиш кунлари яқинларингиз хонадо-нида меҳмон бўлинг.



Қисқичбақа. Жанжаллашган ёки аразлашган инсонлар билан ярашиш учун ўзингизда куч топинг. Келиб тушиши қутилаётган даромад кайфиятингизга ижобий таъсир кўрсатади. Дам олиш кунларини сокин муҳитда ва тоза ҳавода ўтказишга ҳаракат қилинг.



Арслон. Ҳафта бошида амалга оширилган таваккалчилик кўпинча омад олиб келади. Фақат шошма-шошарликка йўл қўйманг. Бу ҳафта можаролар, келишмовчиликлар ва баҳс бойлашлардан йироқ туринг. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз билан табиат қўйнида сайр қилинг.



Паризод. Бу ҳафтани янги ишларни режалаштириш учун сарфланг. Имкониятларингиздан келиб чиқиб, муҳтожларга хайр-эҳсон қилинг, ҳамдардлик ва марҳамат кўрсатинг. Бу сизни шахс сифатида юксалтиради. Иш фаолиятингиз билан хотиржам шуғулланинг, оиладаги ижобий муҳитни сақлаб қолишга ҳаракат қилинг.



Тарози. Бу ҳафта ўзингизга вақт ажратиш учун қулай пайтдир. Ишда рағбатлантириш олиш ёки лавозимингиз кўтарилиши эҳтимоли юксак. Лекин ҳиссиётга берилиб, хатога йўл қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Шунинг учун ҳар бир иш-ҳаракатни яхшилаб ўйлаб кўриб, сўнгра амалга оширинг. Дам олиш кунларини имкон қадар оила даврасида ўтказинг.



Чаён. Бу ҳафтада оила ва иш ўртасида танлов юзага келгудек бўлса, оилавий мажбуриятларга кўпроқ аҳамият қаратинг. Яқинларингиз хизматдаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Улар сиз учун нафақат уйда, балки касбий фаолиятда ҳам таянч бўла олади.



Ўқотар. Ҳафта бошида кайфиятингиз тушиши, умид ва ишончингиз сўниши мумкин. Лекин пайшанба кунидан бошлаб янги лойиҳалар учун омадли онлар кириб келади. Шу кунларда иш фаолиятингиз ва молиявий масалаларга эътибор қаратинг.




Тоғ эчкиси. Яқин инсонлар билан муносабат бузилмаслиги учун жаҳл ва ғазабга эрк бермай, ақл билан иш юритинг. Бу шунчаки ўткинчи давр бўлиб, тез орада ҳаммаси изига тушиб кетади. Бу ҳафта йирик сарф-харажатларни четга суриб туринг. Ҳафта сўнгида уйдан ташқарига чиқиб, табиат қўйнида мароқли ҳордиқ олинг.



Қовға. Шу пайтгача тўпланиб қолган барча ишларни ҳафта давомида ҳал этишга ҳаракат қилинг. Вақт ўтиши билан уларни бажариш қийинчилик туғдириши мумкин. Ўзингиз учун вақт ажратинг, масалан, оқшомлари сайрга чиқинг, дам олиш кунлари мароқли дам олинг.



Балиқ. Бу ҳафтада режалаштирилган муҳим иш учрашувлари муваффақиятли кечи-б, бизнес ва шахсий ҳаётда кўпгина ижобий натижаларга эришасиз. Сафарлар, саёҳатлар ва янги иш бошлаш учун ҳам қулай давр. Ҳафтанинг сўнги кунларини оила даврасида яқинларингиз билан ўтказинг.



SIROJ – JAHON CHEMPIONI



30-may – 1-iyun kunlari Turkiyaning Bursa shahrida qo'l jangi bo'yicha Jahon chempionati bo'lib o'tdi.

Dunyoning 32 ta davlatidan qariyb 400 nafar sportchi ushbu musobaqada g'oliblik uchun kurash olib bordi. Murosasiz kechgan bahslarda respublikamiz vakillari munosib ishtirok etib, umumjamoa hisobida birinchi o'rinni qo'lga kiritdilar.

G'oliblar orasida Jizzax viloyati IIB JXX YHXB xodimi, safdor Siroj Nazarmatov ham bor. U o'zini himoya qilish yo'nalishida 90 kilogramm vazn toifasida oltin medal sohibi bo'ldi.

Hamkasbimizni chin dildan muborakbod etib, kelgusi xizmat va sport faoliyatida yanada ulkan zafarlar tilab qolamiz!

O'z muxbirimiz.

Jizzax viloyati.

Navoiy viloyati

BIZ DONORMIZ!

Qashqadaryo viloyati



«Yoshlar oyligi» doirasida barcha ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy, harbiy-vatanparvarlik hamda xayriya aksiyalari tashkil etilmoqda. Xusu-

san, Xalqaro donorlar kuni munosabati bilan «Bor mehrimiz senga, bolajon!» shiori ostida donorlik aksiyasi ham o'tkazildi.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir

polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir
o'rinbosarlari

podpolkovnik Azizjon FAYZIYEV
mayor Aziza BOHODIROVA

Navbatchilar

Shuhrat RO'ZIYEV
Radik TUMPAROV

Mas'ul muharrir

Erkin SATTOROV

Veb-dizaynerlar

Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar

Abu KENJAYEV
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Obuna masalalari

bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami h/r

23402000300100001010.

Bank kodi 00014.

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi g'aznachiligi.

Shaxsiy h/v

470010860262877031101179001

STIR 200637499.

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.

Buyurtma № 1510.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3.

Hajmi – 6 bosma taboq.

45494 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

«Kolorpak» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: 100206

Yunusobod tumani, Yangishahar ko'chasi 1^A-uy.